


Саиджон Алиев

БУХОРО НИДОСИ



7

Саиджон АЛИЕВ.
«Бухоро нидоси».
(Шеърлар ва пьеса).

Ҳалигача адабиёт мухлисларига ўз адабиётшунослик асарлари билан танилган С. АЛИЕВнинг турли йилларда езилган ва айримлари вақтли матбуотда эълон қилинган шеърлари ҳамда биринчи марта босилаётган «Мирзо Ҳайит САҲБО» пьесаси, бу тўпламга киритилди. Уларда ватанпарварлик, меҳр ва вафо, одоб-ахлоққа оид мавзулар қаламга олинган.

Муаллиф ушбу тўпламни нашр қилишга ҳомийлик қилган «Бухоретекс» ҳиссасдорлик жамияти раиси ҳурматли А. И. ФОЗИЛОВга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Масъул муҳаррир: Самандар ВОҲИДОВ, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган маданият ходими, шоир ва журналист.

Тех. муҳаррир — Қ. Камолов.
Мусахҳиҳ — М. Шарипова.

(С) «Бухоро» нашриёти. — 1996 й.

БУХОРО

(Қўшиқ)

Абу Али Синонинг маскани сен,
Олимлар, шоирларнинг гўлшани сен,
Маданият ўчоғи — пурфани сен,
Севган юртим Бухорожон, Бухоро!

Қорақўлинг дунёга ном таратган,
Наққошларинг саҳнамизни безатган,
Чеварларинг зардўппилар яратган,
Севган юртим Бухорожон, Бухоро!

Ажаб дилбар сенинг гўзал қизларинг,
Кўзи шаҳло юзлари қирмизларинг,
Сарв қомат, сочлари қундузларинг,
Севган юртим Бухорожон, Бухоро!

Қаймоғингнинг ажойиб лаззати бор,
Анжир, анор, ширин қовун унга ёр,
Меҳнатдўст халқингдан барча миннатдор,
Севган юртим, Бухорожон, Бухоро!

Ботирларинг ёвни ерга киритди,
Пахтакоринг аъло ҳосил яратди,
Янги замон сени жуда яшнатди,
Севган юртим Бухорожон, Бухоро!

1949 йил, 16 сентябрь.

САРВ

Ёр қоматин ўхшатурлар қадингга,
Бу бахтга лойиқ бўлдинг ростликдан.
Ростлик, тўғрилиқ — энг аъло сифат,
Ҳам инсонга, ҳамда сенга хосликдан.

Қорамтир яшилдан бахмал кўйлагинг,
Тусинг эслатади қайроғоч толин,
Нозук қоматингу, мағрур туришинг,
Кўз олдимга келтирар ўйловчан ёрин.

Ватаним бўстони, сенга жуда бой,
Биринчи кўришим сеңи Кавказда,
Келиндек гўзал, шифобахш Сочи,
Қора денгиз бўйи, ёқимли ёзда.

Соянгда ўлтириб хаёллар сурдим,
Хаёл марказида муҳаббат, меҳнат,
Қўлда Ҳофиз сўзи, Навоий шеъри,
Қайта-қайта ўқиб айладим роҳат.

1949 йил, 31 август, Сочи.

х х х

Таъна қилган жанобларга айт,
Ссф юракка ништар урмасин,
«Кимла юрдинг, нега юрдинг?!» — деб,
Нозиктабъинг хира қилмасин.

Сева кўрсин, бўлса юраги,
Татиб кўрсин ҳижрон лаззатин.
Хўрламасин ошиқ қалбини,
Ҳамда билсин севги иззатин.

Тушунмаса ва ёки кулса,
Эшитиб у, севги сўзини,
Тушунтирма, койитма ўзинг
Ундай «одам» билмас ўзини.

Хурсанд бўлгин, қоматинг кўтар,
Олийжаноб муҳаббатинг бор.
Боғларга чиқ, эркин нафас ол,
Сен билан мен, севган азиз ёр.

1950 йил, 14 март.

МЕНИНГ ЁРИМ ЗАРДЎЗ ҚИЗ.

Боғ айланиб кутдим уни,
Баҳор фасли висол туни,
Кўнгил ишқининг мафтунни,
Менинг ёрим зардўз қиз.

Тенгсиздир у латофатда,
Ҳам одобу назокатда,
Камтарлигу зарофатда,
Менинг ёрим зардўз қиз.

Келди боғни равшан қилиб,
Рақиблар бағрини тилиб,
Мен шайдони кўзга илиб,
Менинг ёрим зардўз қиз.

Зардан бўстон яратади,
Бир гулистон яратади,
Янги дoston яратади,
Менинг ёрим зардўз қиз.

1964 йил, 30 июнь.

РЯБИНА.

Рябина!

Оқ қайин суқланиб боқар
келинчакдай бўйингга.

Атрофингдаги ниҳоллар
келибдими тўйингга?..

Миннатдор бўлишинг керак,
жило берган тупроқдан.

Чўмилтирган осмондан-у,
елпиб турган япроқдан.

Эслатасан олучани,
 Латиф аммо сен анча,
 Олча билан бирга турсанг,
 мисли икки келинчак.
 Олиб бораи сендан ниҳол,
 боғимизга бўл меҳмон.
 Қўрмадим деб Бухорони
 сенда қолмасин армон.

Рябина!
 Шимол қишин қўрган ниҳол,
 жануб Эзида сўлмас —
 Гар сугорса дўстлик меҳри.
 кўкара, ҳеч вақт ўлмас.

Москва — Бухоро йўли.
 1964 йил, 22 декабрь.

АРГУВОН

«Дарахти аргувон сад реша борад»
 Чаман аз дасти ў андеша дорад.

«Дарахти аргувон гулҳош халили»,
 Гулаш беҳор, наредонад залили,

Арўси нозанини қўҳсорон,
 Тароват мегирад з-офтобу борон.

Ажаб таъми латиф — гунча дурахшон,
 Ки аввал гул кунад, сони дурафшон.

Тару-тоза пагоҳии баҳорон,
 Дили зинда зи нури ў чарогон.

1. Халқи.

Ба ёд орад висоли нозаниро,
 Аниси дил ҳамон гулгун жабинро.
 Ки умраш кўтаҳу ҳуснаш фаровон,
 Димоғ бебаҳраю чашмон чарогон.

Жавонон сўи ў хандон битозанд,
 Ба якдигар зи вай тўҳфа бисозанд.

Дарахти аргувон мамнун зи ҳолаш,
 Ки нест бе манфиат ҳусну жамолаш.

Цхалтубо (Гуржистон),
 1966, 11 март.

ГУЛНИ ХОР ЭТМА...

Севмасанг гул тақдим этма,
 Содда қиз умидвор бўлмасин,
 Аёнки, гулнинг тикони бор.
 Аммо у — гул, у хор бўлмасин.

Солма тўлқин маъсум юракка,
 Эзгу ҳислар увол бўлмасин.
 Ўтли шубҳа бошини чулғаб,
 Гўзал гунча поймол бўлмасин.

Цхалтубо,
 1966 йил, 12 март.

МЕН ЧАЦКИЙ ЭМАСМАН...

Сўзласамда йигинларда
 асабий,
 жиддий,

1. Чацкий — рус драматурги А. С. Грибоедов пьесаси
 «Ақллилик балоси»нинг қаҳрамони.

Дўстларимни қувонтириб
 Ўйга солдириб,
 Билганларим, англаганларим
 ҳақиқатларни,
 Рақибларнинг ҳаёлларин
 Ўйга толдириб.
 Ниятим пок,
 гаразим йўқ,
 Учмоқчиман кабутардай,
 нурли юсакка.
 Мунофиқлик, хўшомадни
 ёмон кўраман,
 Тупураман сурдалувчи
 калтакесакка,
 Дўстларим кўп,
 илҳом берар
 Ғайратлари, азгу ишлари.
 Баъзан эзар юрагимни
 писмиқларнинг
 хуфя нишлари.
 Кўприк каби топтаёлмас,
 қува олмас,
 мени ҳеч бир зот.
 Меҳнат сари
 ғайрат билан,
 мен сураман от.
 Даврим қувноқ,
 йўлим порлоқ,
 халқим меҳрибон!
 Мен зиёлий
 тенг ҳуқуқли,
 озод бир Инсон!
 Бухоро,
 1967 йил, 5 февраль.

ЖАВОБ БА ҲОФИЗИ ШЕРОЗИ.

(Тазмин).

«Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро,
 Ба холи ҳиндуян бахшам Самарқанду - Бухороро».

(Ҳофиз).

«Ғазал гуфтию дур суфти», биё акнун бубин, Ҳофиз,
 Замони маърифатосою шодмонии Бухороро.

Дили ёрон зи ғам тоза дарин шаҳри фараҳосо,
 Зи дасти аҳли меҳнаткаш кунун дид оро-тороро.

Аҳолияш зи ҳар миллат, қарину дўсти якдигар,
 Бубин Мирзою Раъною, нигар Мажнуну Лайлоро.

Намедонам ки меарзад ба як хол Раёю Шерозат?
 Ба сад холҳо нахоҳам дод азизам ин Бухороро.

Ғазал гуфтан на одат буд, Саид як тарки одат кард,
 Бубаҳшед, эй рафиқон, гар нашуд манзур ин шайдоро.

Бухоро,

25 январи, соли 1968.

ҒАРЗАНД ВА ШОГИРД.

Ёшим етди эллика яқин,
 Тепа соч ҳам камайиб қолди.
 Фикрим ўткир мисоли чақин,
 Хаёл мени ўйларга солди.

— Ота! — деган муқаддас сўзни
 Эшитаман етти тоғимдан.
 Ҳузур қилар юрагим чандон,
 Ниҳоллардан, гулу боғимдан.

— Домла! — дерлар доно йигитлар,
— Домлажон! — дер қувноқ қизларим.
Йўқ мен асло, асло ўлмайман,
Узоқ яшар ному изларим.

Бахт дегани шу бўлса керак —
Ота бўлмоқ, бўлмоқ муаллим,
Доим ўзни қарздор сезиб,
Ўрганиб ҳам ўргатиб таълим.

Муаммодек бир ажиб савол,
Баъзан қўяр мени қийнатиб,
Юрагимга гулгула солар,
Асабимга тегар қайнатиб.

— Жавоб бер! — дер, қай бири устун,
Фарзанд ёхуд шогирднинг меҳри?
Қайси бири юракка яқин,
Фарзанд бўйи, шогирд ҳовури?

— Ўйнамагин, сен, юрак билан
Қандай оғир, бешафқат савол...
Ранжийди-ку иккидан бири,
Хотирлари бўлади увол!

— Ҳали ғўр, — деб, ёшлик чоғимда
Фаросатим кўзга илмадинг!
Нега олдин тўсмадинг йўлим,
Жавоб сўраб нега келмадинг?

Ўтган эдим кўп имтиҳондан,
Қабул қилдим кўпдан имтиҳон,
Қайда эдинг, бераҳим савол,
Турар эдинг қаерда пинҳон?!

Майли, эшит, жавоб берайин,
Бисотимда бориға қараб,
Бармоқларим бошга кўтариб,
Мошу-гуруч сочларим тараб.

Беш бармоқ ҳеч бўлмагандек тенг,
Тенг эмаслар барча фарзандлар,
Бири сени сарафроз этса,
Бири берар сенга кўп пандлар.

Абдуллатиф ҳам фарзанд эди —
Улуғбекдай олим қотили,
Доғ туширди фарзанд сўзига,
Мансабпараст ва ноқобили.

Гагариндек фарзанд отани,
Таништирди бутун оламга.
Азиз қилди бундай фарзандлар
Фарзанд сўзин жами одамга.

Шогирд ҳар хил бўлар жаҳонда,
Ҳам худбини, ҳам одамдўсти.
Лойиқ шогирд устоздан ўзар
Тўлдиради камию кўсти.

Ибн Сино ёш ўлмас эди,
Шогирди гар бўлмаса шаккок.
Ҳасад билан қараб устозга,
Дорисига қўшиб қўйди хок.

Бироқ Айний — Дониш шогирди,
Устозига вафодор қолди.
Меросини севиб, авайлаб,
Янги даврда ўстира олди.

Меҳри зўрдир ўша авлобнинг,
Дили бўлса дилингга яқин.
Меҳри зўрдир ўша шогирднинг,
Фикри бўлса фикрингга яқин.

Бухоро,
1969 йил, 8 ноябрь.

ШУБҲА

Шубҳа ёмон — кемиради юракни,
Шубҳа оғу — заҳарлайди тилакни.

Ишонч гули сарғаяди гумондан
Гумон сени бездиради жонондан.

Шубҳа бузар роҳатингу қувончинг,
Сусаяди ихлосингу, ишончинг.

Беҳудага чулғаса у бошингни,
Дўстингга ҳам чимирасан қошингни.

Четда қолар асл душман фош бўлмай,
Еган тамоқ азоб берар ош бўлмай.

Ранжитасан асл дўстни беҳуда,
Изтиробдан ухлолмайсан осуда.

Ақлли бўл, шубҳаларга берилма,
Асос кўрмай тахмин билан керилма.

Ишонч бўлсин ҳамроҳинг-у, ҳушёр бўлгин,
Мардларга сен меҳрибону ёр бўлгин.

1972 йил, 24 июль.

ҒИЖДУВОН ҒУЗАЛИ.

Ғиждувон тўйида кўрдим
Навниҳол жононани,
Ранги бугдой, қошлари ёй,
Тишлари дурдонани.

Ранги бугдой кўп ярашган
Жилваси рафторига,
Рақсида бордир назокат,
Жўр бўлар гуфторига.

Соз этар созандалар, у
Куйлаб айтар ёр-ёр.
Юлдузи иссиқ бирамки,
Кўз қолар ҳайрону зор.

Товланади дўппи заррин
Гоҳ қуёш, гоҳ ой каби,
Ранги бугдой лов ёнади
Кўкда рангли ёй каби.

Қўшиғи ишқу вафодан
Гул-ватаннинг шаънига,
Бахтиёрлик рамзи-рақси,
Тўла ҳиссу маънига.

Ғиждувон тўйида кўрдим,
Навниҳол жононани,
Ранги бугдой, қошлари ёй,
Тишлари дурдонани.

1972 йил, август-сентябрь.

СЕНГА ТО АБАД ТАЪЗИМ.

Шаҳарлару-қишлоқлар, қўйларга тўла яйлоқ,
Пахта хирмонларидан кўтарилган тизма тоғ,
Ҳилпираган минора тепасидаги байроқ,
Сенга то абад таъзим, ўстирган она-тўпроқ.

Мусаффо осмонингда, қанот ёзар кабутар,
Олмазор, шафтолизор, гулзорларинг муаттар,
Бир сиқим тўпроғингда, қанча кумуш, қанча зар,
Сенга то абад таъзим, ўстирган она-тўпроқ.

Узоқлашсам кўзимга боғдайин кўринасан,
Тушларимга кирасан, тоғдайин кўринасан.
Мўътабар нону-тузу, ёғдайин кўринасан,
Сенга то абад таъзим, ўстирган она-тўпроқ.

Фарзандлик бурчим — сенга доимо қилай хизмат,
Қўшай ҳуснингга, ҳусну қилмай заррача миннат,
Ўстирабер сен менда одабийлигу, ҳиммат,
Сенга то абад таъзим, ўстирган она-тупроқ.

Тошкент,
1973 йил, 24 сентябрь.

БУЮК ИНСОНПАРВАР.

(Абу Али ибн Сино ҳайкали очилиши муносабати билан).

Инсон дардига даво изладинг,
Ардоқладинг азиз деб одамни.
Қилдай ўсимликни қирқ ёриб.
Синчиклаб ўргандинг оламни.

Замонанг тинч эмас эди,
Тўқнашарди қиличу қалқон,
Тождорлар от чопар эди,
Халқ бозобута, тўкиларди қон.

Бўлдинг асрамоқчи сен обидаларни,
Гулханда ёнганда ноёб асарлар.
Изладинг маърифат, мурувват, шафқат,
Тополмай, тарк этдинг қасрлар.

Бухородан - Урганча интилиб бир тонг
Очдинг қучоқ Беруний томон.
Ҳамкорлик ва дўстлик шиоринг бўлди,
Аммо бермади эрк у нотинч замон.

Нишопур ва Гелон саҳроларида
Изладинг бедаво дардларга даво.
Ақлинг билан бўлдинг гоҳида вазир,
Рақобат дастидан гоҳида гадо.

«Ал-Қонун» туғилди дарбадарликда,
Шамлар мумга айланди, қуриди сиёҳ.
Зиндондай замонда сен чироқ ёқдинг,
Чекинди зулумот, таратдинг зиё.

Одам муҳаббати, инсон қайғуси,
Кўксингга доимо бўлган эди жо.
Тинмайин изладинг дардларга дармон,
Муаззам фидокор, эй буюк бобо!

Асрлар ўтди, янги давр етди,
Озодликдан топди қадрини инсон.
Маърифат гуллади, сени йўқладик.
Номингла аталди мактабу майдон.

Ҳайкалинг қўйилди она-тупроққа,
Гулдаста қўймоқда унга ёш авлод.
Сен боққил, бу авлод нақадар бахтли,
Фахрланар сен билан, доим этар ёд.

Сен ўйчан, боқасан Бухоро сари..
Қанчалик ўзгарган, қанчалик обод!..
Бошингга нур сочар у бахтли қуёш.
Манглайинг ярқирай, дилинг гўё шод.

Бухоро,
1974 йил, 14 октябрь.

ГУЛАНДОМ.

(Мувашшаҳ).

Гуландоми жонона,
Умраш дарози она.

Лоларуҳсору шаҳло,
Аз ҳама фанҳо «аъло».

Нозук табъу суҳандон,
Дорад ҳунарҳо чандон.

Одамдўсту боодоб,
Мисли тобанда офтоб.

1974, 4 ноябрь.

БУХОРОНИНГ ИККИ ГУЛИ.

Бухоронинг тупроғида,
Ўсиб чиқди икки гул,
Барг ўстирди, ғунча очди,
Шайдоси бўлди булбул.

Она-тупроқ мадор берди,
Берди қувват, берди қут.
Она офтоб ҳусн берди
Очилди мисли ёқут.

Она-юртнинг шамоллари
Қитиқлади, ўйлатди,
Шавққа тўлди юраклари
Булбул каби сўйлатди.

Ўзатдилар бирисини
Душанбе гулзорига,
Янги боғбон, янги ҳаво,
Интизори ёрига.

Чаманзорда атрофида
Гуллади Лола, Наргиз,
Бахти кулди ва яйради
Билмайди қайғу ҳаргиз.

Ўзатилди иккинчиси
Тошкент деган бўстонга,

Куйлайдиган ўзи каби
Ширин наво достонга.

Бўстондаги гуллар аро,
Топди бу гул эътибор,
Она-гули — Умида-ю,
Она-қиз — Умида ёр.

Икки гулдан қалам олиб
Ўтқаздилар боғларга,
Водилар ҳам гулға тўлди,
Гуллар чиқди тоғларга.

Думоғларни ҳушбўй этиб
Мафтун этар бу гуллар.
Тасанно дер гул шайдоси
Сарҳуш бўлиб булбуллар.

Тасанно дер Бухорога
Гул макони баҳорга,
Офарин дер Бухорога
Гул узатган диёрга.

1976 йил, 8 июль.

ОТА ТИЛИДАН

(Тазмин).

«Мен интилган чўққилар
сароб экан, дадажон...»
(Наззора Бекова).

Сен интилган чўққилар
сароб эмас, қизгинам.

Сен кўзлаган манзиллар
 хароб эмас, қизгинам.
 Умидсизликдан сақлан
 тетик бўлгин, қизгинам,
 Давримизга муносиб
 етук бўлгин қизгинам.
 Ҳали сенинг олдингда
 бўстонлар бор, қизгинам,
 Ёзилажак қиссалар,
 достонлар бор, қизгинам.
 Атрофингда дўстларинг
 завқ беради, қизгинам,
 Устозу шогирдларинг
 шавқ беради, қизгинам.
 Меҳнатингдан топасан,
 ажаб роҳат, қизгинам,
 Машаққатларни енгиб,
 зўр фароғат қизгинам.
 Сени кутар оила,
 бахтли бўлгин, қизгинам,
 Ували-ю — жували,
 тахтли бўлгин, қизгинам.

1990 йил, 16 февраль.

1. Толиба (студентка) Наззора Бекова, мендан курс иши ёзиш учун бир китобни олган эди. Китобни қайтариб берганида, унинг ичидан марҳум отасининг сурати чиқди. Сурат орқасига шу мисра ёзилган экан. Мен унга шу жавобни ёздим. — С. А.

СЕНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНГ

Сенинг фарзандларинг Ҳотам экан, билдим.
 Сенинг ўғлонларинг там-там экан, билдим.
 Сенинг барноларинг кўркем экан, билдим.
 Бухоро, отажонимсан,
 Бухоро, онажонимсан.
 Қаён кетсам хаёлинг дилда яккашдир,
 Ҳароратли, файизли худди оташдир,
 Шафиқу меҳрубону ажаб дилкашдир.
 Бухоро, отажонимсан,
 Бухоро, онажонимсан.
 Ажаб зардўзу, заргар ишлади сенда,
 Янги дорулфунун иш бошлади сенда,
 Муҳайёдек малика яшнади сенда.
 Бухоро, отажонимсан,
 Бухоро, онажонимсан.
 Минордек қоматинг ҳам бўлмасин ҳаргиз,
 Адолатпешалик кам бўлмасин ҳаргиз,
 Кишилар бошига ғам келмасин ҳаргиз.
 Бухоро, отажонимсан,
 Бухоро, онажонимсан.

1992 йил, 2 ноябрь.

ФИТРАТ МОНОЛОГИ

(Қатл олдида)

Батан меҳри баданимга жон бўлиб кирди,
 Батан ишқи томиримга қон бўлиб кирди.
 Онагинам алласи-ю отам ўғити,
 Халқим ғами кўз олдимда, нон каби турди.
 Бир томонда маърифату одобни кўрдим,
 Бир томонда жаҳолату азобни кўрдим.

Маъно излаб билмоқ бўлдим ҳар бир жумбоқни,
 Ҳақиқатни кўп изладим, савобни кўрдим.
 Маърифатнинг нури билан зулматни ёрдим,
 «Ўйғонинг!» деб сайҳа, тортидим, халқимга бордим.
 Дарра, зиндон даҳшатидан қўрқмадим асло.
 «Ёш бухорий» бугдойидан хамирлар қордим.
 Жаҳид-қадим низолари бағримни эзди,
 Айғоқчилар таъқиб этиб ортимдан кезди.
 Билим излаб, қадам қўйдим Туркия томон,
 Шайдо кўнгил янгиликнинг ҳовурин сезди.
 Асоратдан қутулолмай оёқда кишан,
 «Оғолар»дан мадад излаш тақдирда экан,
 Бирлашолмай юрак бағрим зардобга тўлди,
 Йўрға отга ўхшаб қолдим, оғзимда юган.
 Келгиндилар «Инқилоб» деб бизни алдашди,
 «Нонингни бер, тўя берай» дебон аврашди.
 «Тенглик» дея мутеликни қўйди гарданга,
 Ҳақорат-ла таъқиб қилиб, жеркиб ташлашди.
 Хизматларим эвазига мукофот — миннат,
 Шогирдларим сотқин экан — қилдилар тухмат.
 Асарларим қолди сарсон, етим, бечора,
 Эй Худойим, кечир мени, шу экан қисмат.
 Эй Оллоҳим, кечир мени адашган бўлсам,
 Муртадларга эргашибон сотошқан бўлсам,
 Калимани ўгираман жаллод олдида,
 Ийманимла қайта бошдан ярашган бўлсам.
 Янги авлод! Унутмангиз, бўлингиз ҳушёр.
 Мен сизни деб тиришдим, курашдим бисёр.
 Содиқ бўлинг Она-юртга, Мустақилликка,
 Келар албат у кутилган замон бахтиёр.

Бухоро,
 1995 йил, 6 июль.

МИРЗО ХАЙИТ САҲБО

Тўрт парда, ўн кўринишли фожиа.

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

Саҳбо — шоир ва амалдор (тахминан 1850 йилда ту-
 гириб, 1918 йилда Бухоро амири одамлари
 томонидан ўлдирилган).
Ойимбика — унинг онаси, 85 ёшда.
Солиҳа — унинг севгилиси, 18 ёшда.
Дилафгор — боғбон ва шоир, 35 ёшда.
Бинафша — унинг хотини, 25 ёшда.
Айний — шоир ва муаллим, 35 ёшда.
Ҳожи Мирбобо — Саҳбонинг дўсти, 45 ёшда.
Низом Собитий — усули жаҳид мактабининг муалли-
 ми, 48 ёшда.
Неъматулло — қушбеги, 60 ёшда.
Баҳриддин — қозикалон, 50 ёшда.
Жумбул маҳзум — аълам, 60 ёшда.
Давронбек — бой, сўнгра раис, 55 ёшда.
Яҳёхўжа — Саҳбонинг жияни, ҳушовоз хонанда, 15-
 20 ёшда.
Муҳаммадризо — Ҳабодиён имом-ҳатиби, 60 ёшда.
Ҳайбулло — 13 ёшар ўспирин.
Дехқон, сайис, етимча, мулозимлар, навкарлар, девона.

БИРИНЧИ ПАРДА.

1-кўриниш.

XX аср боши. Бухоро Арки дарвозаси олди. Кун ботиб
 қоронғилашмоқда. Дарвозага яқин жойда Дилафгор ва
 унинг ёнида паранжили Бинафша ғамга ботиб ўтиради-
 лар. Бинафша пиқ-пиқ йиғлайди.
 Дилафгор. Йиғлама, бу кун бўлмаса эртага Жаноби
 олий ҳузурларига кирамиз, арзу-додимизни айтамиз.

Бинафша. Бу учинчи кундирки, шундай дейсиз. Бу инсофсизлар биз бечораларнинг додимизга қулоқ солармидилар. Дарвозабон Сиздан пул олди, киритаман деб ваъда берди, бари-бир киритмади.

Дилафгор. Гап фақат дарвозабонда эмас. У ичкари кириб, амир одамларига айтган, улар эса, ҳали тўхтаб туришсин, дейишган.

Бинафша. Тўхтаб туришсин, эмиш... Уларнинг кўнгли ҳам пора тилайди. Бир нарсали бўлиб қолайлик, дейишса керак-да. Кеч ҳам бўлаёзди. Яна бу кеча қайси гўрда тунаймиз. Кеча Лаби ҳовузи Девонбеги яқинидаги саройда тунашмоқчи бўлдик, жой бермадилар. Кўчада қолдик. Икки-уч марта бизларни у ердан миршаб одамлари ҳайдашди. Мижжа қоқмай кўчама-кўча юриб, тонг оттирдик. Бу кеча нима қиламиз? Айттим сизга, бу ютишларимиз беҳуда, амир одамлари бизни менсимайди, деб. Гапимга қулоқ солмай мени судраб олиб келдингиз. Мана, мен айтгандай бўлди. Энди нима қиламиз?

Дилафгор. Тўхта, яна бир уриниб кўрай (дарвозага яқинлашади). Дарвозабон, ҳой дарвозабон!

Дарвозабон (чиқиб). Ҳа, яна нима дейсан? Амирлик иши ҳизилми?! Бор-кет, эртага кел!

Дилафгор (ялиниб). Болаларингизнинг тўй томошасини кўринг, уларнинг умри узоқ бўлсин, худо хайрингизни берсин, бир илож қилиб, бизларни киритинг.

Дарвозабон (дўғ уриб). Сен саҳройи тушунасанми, қуёш ботиб кеч кираяпти, Жаноби олий ишратхонада, у ерда чавқи-базм бошланди. Бу вақт Арка бегона одам киритилмайди.

Дилафгор. Бўлмаса қушбегими, қозикалонми, бошқаси-гами, бизларни олиб кириг. Биронтасига юрак дардимизни атайлик, шояд бизга кўмаклашсалар.

Дарвозабон. Эй, бу одам ўзи қанақа анойи. Жаноби

олий айш қилиб турганда қушбеги, қозикалон ёки раис сендайлар билан ади-бади қилиб ўлтирармиди. Уларнинг ҳар бири ҳам бир бесоқол висоли билан банд. Туёғинг-ни шиққиллат.

Арқдан Мирзо Ҳайит Саҳбо чиқади ва **Дилафгорга** кўзи тушади.

Дилафгор. Ассалому-алайкум, жаноби тўқсабо. (Саҳбо қўлларини олиб кўзларига суртмоқчи бўлади).

Саҳбо (суртишга йўл қўймай). Ё-алайкум ассалом. Кўзимга иссиқ кўринасиз? Қаердадир Сизни кўргандай бўламан?

Дилафгор. Дуруст, тақсир, Карминада. Янги-Қўрғон қишлоғида. Овдан қайтишда отдан йиқилиб, оёғингиз синганда мен Сизни хўжайиним Давронбек боғидаги кул-бамга киритиб, оёғингизга гиёҳлардан дори...

Саҳбо. Э, ҳа, бўлди-бўлди, қани-қани (қўчоқлаб кўришади). Орадан анча йил ўтибди, зўрға танидим. Сиз боғбон-шоир Дилафгор эмасмисиз?

Дилафгор. Худди ўзи! Сиз шоир Мирзо Саҳбо!

Саҳбо. Қани, бемаҳалда бу ердасиз?

Дилафгор. Шундай, фалакнинг гардиши билан, бошимга ташвиш тушиб, арзу-додга келган эдим, уч кундан бери Жаноби олий ҳузурларига кираман деб, шу остонага келаман, киролмайман.

Саҳбо. Ўҳу, баланд дорга осилмоқчи бўлибсиз. Қозикалонга эмас, қушбегига эмас, Жаноби олийнинг ўзларига?!

Дилафгор. Шундай, Янги-Қўрғон қозиси мени кўп овора қилди. Агар менга Жаноби олийнинг ўзлари шафқат қилмасалар, бошқалардан бирон манфаат кўришимга кўзим етмайди.

Саҳбо. Э, нега бу ерда турибмиз. Юринг, бизга меҳмон бўлинг. Сиздай деҳқон шоирларнинг суҳбатига муш-тоқман.

Дилафгор. Қандай бўлар экан, Сизга ортиқча ташвиш бўлади. Мен якка эмасман (**Бинафша** томонига қарайди). Келинингиз...

Саҳбо. Шундайми, майли-майли, ҳар иккаларингиз ҳам юринглар. Онам ва қизим бор. Хотинингиз ичкарига, улар олдига кирар, ўзимиз ташқарида, меҳмонхонада гурунглашиб ўтирамыз. Аркка кириш масаласини ҳам ўшанда ўйлаб кўрамыз.

Ҳар уччаласи жўнайди.

2-кўриш.

Саҳбо ўз ҳовлисидаги меҳмонхонада Дилафгор билан суҳбатлашиб ўтиради.

Саҳбо. Қани, дастурхонга қаранг. Аввал таом, пас аз он калом. Хотинингиз онам олдига кирдилар. Онам ва қизим кўп қувондилар. Анчадан бери ўзлари зерикиб ўтирган эдилар (**бироз овқат ейдилар. Дастурхонга омин қилиб, йиғиштирадилар. Чой ича бошлайдилар.**) — Қани эшитайлик, бошингизга қандай кулфат тушди?

Дилафгор (бироз ўйланиб). Айтишга тил бормаиди. Майли, айтай, Сизга айтмай кимга айтаман...

Чироқ ўчади. Саҳна айланади. Чироқлар ёнади. Қишлоқда бир бог ва деҳқон кулбаси. Бог эшигини очиб, қамчисини ўйнатиб Давронбек кириб келади.

Давронбек. Дилафгор, ҳо Дилафгор, қаердасан?

Дилафгор (кетмон қўлида, кўриниб). Бу ерданман, жанооби бек, ассалому алейкўм... Хўш келибсиз, хизмат?

Давронбек. Ваалайкўм ассалом! Отимни ариқ бўйидаги чинорга боғладим. Ўшани олиб, яхшилаб суғор, кейин катта тўғон бўйида турган ўғлимга элтиб бер. Менинг тобим қочаяпти, бироз мизғиб олай.

Дилафгор. Келинг, бек, кулбага кириш, жой тўшаб берай. Ҳой, Бинафша, чиқиб ўтлоққа бор, бироз ўт ўра.

Бошига чопонча ёпинган Бинафша қўлида ўроқ би-

лан чиқади. Бек ва Дилафгор кулбага кирадилар. Бироз вақт ўтиб Дилафгор чиқиб кетади. Унинг кетиши билан бой ўйдан чиқиб, ўтлоққа бориб, Бинафша билагидан ўшлаб, кулба томон тортади...

Давронбек. Қани, юр бўёққа, ҳусну жамолинг ўтида ёниб битдим-ку, бироз роҳат қилайлик...

Бинафша. Қўйиб юборинг, бу не беҳаёлик, мени ким деб ўйладингиз. ўйингизда хотинингиз, мен тенги қизларингиз бўлатуриб, гуноҳ ишдан уялмайсизми? Қўйиб юборинг (**бой яна тортади**). Дод, ёрдам беринглар, бой мени ўлдирмоқчи, войдод!..

Дилафгор кириб келади. Кетмонни олиб бекка томон югуради.

Дилафгор. О, падарингга лаънат, ифлос бек, касалман, деб мени алдаб, ёмон ниятинг бор экан-да... (**Кетмон кўтариб бой томонига югуради, бой қочади.**)

Давронбек. Ҳалойиқ, ёрдам беринглар, боғбоним мени ўлдириб пулларимни олмоқчи, дод бу ўғри дастидан! (**Богдан чиқиб қочади.**)

Яна чироқлар ўчади ва саҳна айланади. Саҳбо меҳмонхонаси.

Саҳбо (ўйланиб). Кейин нима бўлди?

Дилафгор. Янги-Қўрғон қозисига бориб арз қилай, дедим. Бироқ фойдаси йўқ деб ўйладим. Одамлар уни порахўр, золим, фосиқ дейдилар. «Бой-бойга боқар, сув сойга оқар» деб бекорга айтмаганлар. Иззат нафсим йўл бермади. Бироқ жим туролмадим. Бунинг устига Давронбек бундан олдин ҳам туҳмат билан бир неча хизматкор ва батракларини қаматиб юборган эди. Давронбек билан Янги-Қўрғон ва Кармина қозилари апоқ-чапоқ, ҳамтавоқ. Мени ҳам тинч қўймас, бошимга кўп баюларни солади, деб хотинимни олиб бу томонга қочдим. Амир, ё қўшбеги, ёхуд қозикалон адолат қилар, шариат

юзасидан бойнинг жазосини берар, деб Бухорога келдим.
Саҳбо (узоқ ўйлаб). Мушкул савдо. Янги-Қўрғон ва Кармина қозилари шу Жаноби олий ва қозикалон амри билан тайинланган одамлар. Биласизми, Янги-Қўрғон қозиси қандай одам?

Дилафгор. Қайдам, шу Бухоро мадрасаларини хатм қилиб, у томонга борган уламо дейдилар-ку?!

Саҳбо. Уламо эмиш... Амир Пойостона гузаридан ўтаётганда югуриб келиб, амирга ариза берган. Аризада ўрта чиройли қизи борлигини, улар саройбоб гўзаллар эканлигини ёзиб, амирга пешкаш қилганлигини билдирган. Амир уларни Аркка келтириб, биринчи кеча кайфини сургач, сарой амалдорларига ҳадия қилган. Уч қиз отасини эса Карминанинг Янги-Қўрғонига қози қилиб тайинлаб юборган...

Дилафгор. Ё, тавба! Амиру амалдорлар бунчалик ифлос, бейимон... «Ариқ суви юқоридан лойқа» денг... (**Бироз ўйлаб тургач, ҳуржунидан дўмбрани чиқариб, қўшиқ айтади**):

Замона беради озор,
Озоридан эл безор,
Бой ва қози ситамкор,
Қон йиғлайди Дилафгор.

Деҳқон куни қоронғу,
Ичадиган оғу,
Бой камбағалга ёғу,
Қон ичади Дилафгор.

Бирон кун йўқ кулфатсиз,
Нон еб бўлмас миннатсиз,
Бой, муллалар уятсиз,
Қон ютади Дилафгор.

Ситамга тўлган замон,
Йўқ эркинлик, йўқ омон,
Ҳаммадан хўрлик ёмон,
Қон ютади Дилафгор.

Саҳбо (бошини ўйчан тебратиб, ўз-ўзига). Бу — деҳқон илҳоми, ёзолмаса ҳам дили кўйлайди, дарди-ҳолини қўшиғида ифода қилади (**Дилафгорга қараб**). Балле Дилафгор! Қўшиғингиз содда, бежимжима, аммо самимий, ҳақиқатнинг ўзгинаси.

Дилафгор. Ўзингиздан сўрасак. Ҳозир ҳам Абдулаҳадхон хизматидамисиз?

Саҳбо. Мен асли вобкентлик цехқон Ҳайитқулнинг ўғлиман. Шеър, ҳазил-мutoйбага муштоқлитимдан бошим айланиб, амир Музаффархон даврида, унинг валиаҳди Абдулаҳадхонга ёқиб қолдим. У мени ўзига яқинлаштирди, ҳамсуҳбат қилди. Амир Музаффархон вафот қилиб ўғли Абдулаҳадхон амир бўлгач, мени эшик оғаси қилиб, тўқсабо унвонини берди. Гоҳ Кармина, гоҳ Бухоро саройларида бўлдик. Ҳозир миршаблик қиламан.

Дилафгор. Неча фарзандингиз бор?

Саҳбо. Бир неча фарзанд кўрдим. Уларнинг умри қисқа экан. Берган Эгам қайтариб олди. Биргина қизим бор. Хотиним шу қизни туққанида қазо қилди. Худо раҳмат қилсин. Қизни волидам минг машаққат билан ўстирдилар.

Дилафгор. Карминада бир-икки тўйда ҳофизлар Сиз ёзган ғазалларни ўқиганларини эшитган эдим. Ҳозир ҳам ёзиб турсангиз керак? Биронтасини ўқиб бермайсизми?

Саҳбо. Аҳён-аҳёнда ёзаман. Амалдорлик машмашалари илҳомни бўғиб қўяр экан. Майли, бир ғазалимни ўқиб берай. (**Токчадан қўлёзма китобни олиб ўқийди**).

Ул маҳваша ёр бўлмадим, ҳайф,
Йўлига губор бўлмадим, ҳайф.

Ғам сарсаридин таним хазондур,
Манзури баҳор бўлмадим, ҳайф.

Ишқ ичра фасона бўлдим охир,
Бо сабру қарор бўлмадим, ҳайф.

Майхонада умр ўтди, Саҳбо,
Ким дафъи ҳумор бўлмадим, ҳайф.

Дилафгор. Бай, бай, бай, қандай ширали, ҳазин, но-
зик ғазал! «Ҳар зогда бир доғ бор», деб бекорга айтма-
ган эканлар (**бироз ҳаёл суриб, мудрайди**).

Саҳбо. Ҳа, айтгандай, Сиз чарчагансиз, ўтган кеча ша-
ҳарда овора бўлиб юргансизлар. Бироз ухлаб дам олинг.
Эртага ўйлаб, ишингизнинг бироқ иложини топармиз.

Ухлайдилар. Саҳбо туш кўради.

3-кўриниш.

Саҳбонинг туши.

Саҳна ўртасида паҳса девор, унинг икки томонида
икки боғнинг ҳилват бурчаклари. Ойдин кеча. 20 яшар
Саҳбо секин-секин яқин келиб, қўшни боққа бирин-кетин
кичик-кичик кесакларни отади. У томондан ҳам шундай
кесаклар келиб тушади. Саҳбо девор яқинидаги дарахт-
га чиқиб, деворга яқинлашади. 18 яшар Солиҳа ҳошоклар
орасидан 4-5 поғонали нарвонни олиб, деворга қўяди ва
3-4 поғона кўтарилиб, Саҳбога яқинлашади.

Солиҳа. Ассалому алейкўм!

Саҳбо. Ваалайкўм ассалом! Яхшимисиз? Саломатгина
юрибсизми? Сизни куттириб қўйганим учун узр. (**Бир
даста гул узатади**).

Солиҳа. Ҳо балоча, бир оғиз узр ва бир даста гул би-

лан қутилноқчи бўладиларми?! Гуноҳингиз оғир, булар
билан кечиролмайман. Ёлғончи, келаман деб ваъда бе-
риб, уч кечадан бери кутаман, келмайсиз. Бу девор ор-
қасидан иккита кесакчанинг келишини кута-кута тоқа-
тим тоқ бўлди. Бу девор қургур Кўйи-Қоф, бирам кўзим-
га баланд ва ҳайбатли кўринадики, ҳеч қўйинг.

Саҳбо. Гуноҳингиз борми?

Солиҳа. Ишонмайсизми? Ҳилватда учрашамиз деб
аҳдлашган эдик-ку. Ҳа, айтгандай, мен чақирмаган бўл-
сам, ҳамки битта дугонам гувоҳ бўлиб қараб турган эди...

Саҳбо. Э, ҳа, бу гўзал ошиқ-маъшуқларнинг абадий
гувоҳи ва раҳномоси... (**Бироз ўйланиб**). Мен олдингиз-
да гуноҳқорман. Ваъдалашган вақтда келолмадим. Бун-
дан олдин Сизга бир учини айтган эдим: амир Музаф-
фархоннинг валиаҳд ўғли Абдулаҳад тўра менинг ҳа-
зил-мутойиба ва шеърга мойиллигимни ёқтириб, ўз
хизматларига олган эдилар. Яқинда у киши билан овга
кетиб қолиб, Сизга берган ваъда устидан чиқа олмадим.
Кармина томонларга бориб келдик.

Солиҳа. Ундай бўлса, гуноҳингиздан кечаман. Мен
кетай, уйдагилар уйғониб, мени ўрнимда тополмай гу-
монсирашмасин.

Саҳбо. Йўқ, азизим, яна бироз тўхтанг, кўп соғинган-
ман. Ҳали дийдорингизга тўйганимча йўқ...

Солиҳа. Ундай бўлса, янги шеърларингиздан ўқиб бе-
ринг.

Саҳбо. Бўлмаса, Сизни соғинган дамларимда ёзган
шеърларимдан бирини ўқиб берай. (**Қўлтигидан қоғозни
чиқариб ўқийди**):

Бу ҳаста ҳолини айёми ҳажр аро биласиз,
Ғамни тоза қилиб лаҳза-лаҳза қотиласиз.

Фироқ меҳнати Саҳбони айлади ожиз,
Фироғи оҳи мани кулфатайини не биласиз?

Хурос қичқиради, Солиҳа чўчиб тушади. Товушлари эшитилмайди, лаблари баҳслашади. Узоқдан ҳофиз ҳуйидаги газални томбурда чертиб кўйлайди,

Гуфтам: Ҳама побанди ту шуд. Гуфт: Шумо чи?
Гуфтам: Зи ғамат сўхт дилам. Гуфт: Ба мо чи?!
Гуфтам: Набувад раҳм туро? Гуфт: Чи дони?
Гуфтам-ки: Ту кушти ҳамаро. Гуфт: Туро чи?
Гуфтам: Чи диҳам бўлса диҳи. Гуфт ки: Жон деҳ...
Гуфтам: Бинуш имрўз маро! Гуфт: Пагоҳ чи?
Гуфтам: Ки бувад ошиқи ту? Гуфт ки: Саҳбо!
Гуфтам ки: Чаро зулм куни? Гуфт: Чаро чи?

Саҳбо. Солиҳа, жоним, ёнам, бир ўпай...

Солиҳа. Ҳо, мени онам ўпмаганлар-у, бу номаҳрам мардак ўпмоқчи эмиш. Ёнаётган бўлсангиз, ўзингизни ҳу ана у боғ ўртасидаги ҳовуз суйига ташланг, бир шўн-ғиб чиқинг, кейин бу тушингизни сувга айтинг, сув ёруғлик, дейдилар... Совчи юбориб, никоҳ қилиб, тўй қилиб олганингиздан кейин бу мурудингизга, насиб бўлса, етасиз... (Норвондан тушиб ғойиб бўлади).

Чироқ ўчиб, саҳна айланади, Саҳбо ва Дилафгор ухлаган хона. Саҳбо ўйғониб, гугурт уриб шамни ёқади. Косадаги сувни ичиб, қалам ва қоғоз олиб шеър ёзади.

4-кўриниш.

Яна XX асрнинг боши. Парда очилмасдан олдин, саҳна олдида Давронбек ва унинг сайиси чиқади. Сайис қўлида қоши зар ва кумуш билан нақшланган от эгари.

Сайис. Хўжайин, эгарни қайси отга босай?

Давронбек. Эгарни саман отга босасан, кейин от билан ҳу ана у ердаги хуржунни қимматбаҳо нарсалари билан Неъматулло қушбеги уйига элтиб берасан. У киши-

нинг уйлари Сўзангарон гузарида. Кейин келиб ана у олтинқош эгарни тўриқ отга босиб, ана у бугчаларни хуржунга солиб, қозикалон Баҳриддин уйларига олиб бориб берасан. У кишининг уйлари Тайи Минор гузарида. (Чўнтагидан хат чиқариб). Мана бу хатни ҳам қозикалон одамларига бериб, ўзларига етказишни хўжайиним Давронбек илтимос қилдилар, дейсан. Хўжайиним эртага ҳузурларига келар эканлар, деб ўқтириб қўясан.

Сайис. Хўп бўлади, хўжайин! (Кетмоқчи бўлади).

Давронбек. Тўхта, Карминадан Бухорога келганимиз-а икки кун бўлди. Бухорода Дилафгорни учратмадингми?

Сайис. Йўқ, хўжайин.

Давронбек. Учратсанг, менга тез хабар бер. У лаънатини қўлга тушириб, бир жазосини бердирай, у ҳали меинг совунимга кир ювмапти.

Сайис. Хўп!

Давронбек ҳам, сайис ҳам кириб кетишади. Парда очилади. Қушбегининг ҳашаматли қабулхонаси. Неъматулло қушбеги, Баҳриддин қозикалон ва Давронбек сўзлашиб турган вазиятда. Қозикалоннинг қўлида Давронбек аризаси.

Баҳриддин. Жаноби қушбеги, Давронбек Карминанинг мўътабар бойларидан. Жаноби олий амиримиз Абдулахадхон ҳам бу кишининг ҳовлиларига бориб, меҳмон бўлганлар. Гапларига қараганда, Давронбекнинг синглисига ўйланмоқчилар. Бу кун жаноби бой арзудод билан келибтилар. Бу кишининг боғбони Дилафгор деган зоти паст бир қул кўрнамаклик қилиб, бой отларини хуржундаги қимматбаҳо нарсалар билан ўғирлаган ва бойни тутиб урган. Кейин Карминадан қочиб, Бухорога келган. Уни Бухоро йўлида бой одамлари кўрган эканлар. Бой шуни тутиб, зиндонга солишни сўраб арзга келганлар.

Неъматулло. У жинойтчи топилганми? Қаерда экан?

Баҳриддин. Ҳозирча топилгани йўқ. Миршабга буюрсак, топиб берар. (Саҳбо кириб келиб саломлашади). (Баҳриддин сўзини давом қилдиради). Мана, миршабнинг ўзлари ҳам келдилар (унга қараб). Жаноби Мирзо Саҳбо тўқсабо, Сиз карминалик бой Давронбекни танисангиз керак?

Саҳбо (бироз хафaroқ кайфиятда). Ҳа, Давронбекни танийман, оталарини ҳам биламан, Жаноби олийнинг жиянлари.

Баҳриддин. У киши арзу-дод билан келганлар. Оёқ яланг, нонкўр қўллари у кишининг от ва олтин тўла хуржинларини ўғирлаган, бу киши тутмоқчи бўлганларида бойни ўлдирмоқчи бўлган. Мана аризалари. Сиз Бухоро миршабисиз, зудлик билан жинойтчини тутиб, зиндонга ташланг. Сазойи қиламиз.

Саҳбо (бироз ўйланиб). Дилафгор менинг ўйимда...

Баҳриддин. Ҳо?! Жинойтчи, ўғри, каллакесар миршаб уйида?! Эҳтимол у сиздан жинойтларини яширгандир?

Саҳбо. Йўқ, у жинойтчи эмас. Бек боғбони Дилафгорнинг хотинига зино мақсадида ҳамла қилган. Хотин дод деган, Дилафгор етиб келиб қазабидан бойни урган, ўз шарафи ва номусини ҳимоя қилган.

Давронбек. Ёлғон, тухмат! Миршаб пора олганга ўхшайди, жинойтчининг ёнини олмоқда.

Саҳбо. Сизнинг зулмингиздан бош олиб қочган боғбон ва хотини, менга нима ҳам бера олар эди?

Неъматулло. Жаноби миршаб, Дилафгор қаерда бўлса уни тутиб зиндонга юборинг, истинтоқ-тергов қиламиз, жинойтини бўйнига қўямиз. Шариат юзасидан жавосини берамиз. Биз Давронбекка ишонамиз.

Саҳбо. Мен кеча Арк дарвозаси олдида тасодифан уни учратиб, уйимга олиб бордим. У Жаноби олийга сизлар-

нинг устингиздан арз қилмоқ учун келган экан. Мен Аркдан чиқаётганда уни учратиб қолдим. У менга яхшилиқ қилган эди. Бир вақтлар Жаноби олий билан олга борганимизда мен отдан йиқилиб, оёғим синганида шу боғбон менга қарашиб, оёғим тузалгунча хизматимни қилган эди. Мен уни яхши билиб олган эдим. Тўғри, раҳмдил, меҳнаткаш ва ор-номус қадрига етадиган одам. У ўғрилиқ қилмаган, ўз шарафини, оиласи шарафини ҳимоя қилган.

Баҳриддин. Ҳар ҳолда уни зиндонга юборинг. Тергов қилиб аниқлаймиз.

Саҳбо. Йўқ, мен миршаб эканман, уни менинг уйимдан олиб зиндонга солишга рози бўлолмайман. Наҳотки, миршабнинг сизлар олдида бойчалик эътибори бўлмаса. Ёки, Жаноби олийнинг ўзларига мурожаат қилайми?

Баҳриддин. Ҳозирча, Давронбек, Сиз бориб ишларингиз билан шуғулланинг. Биз маслаҳатлашиб бир қарорга келамиз.

Давронбек таъзим қилиб чиқиб кетади.

Неъматулло. Жаноби қозикалон, қўйинг, миршаб билан сантик-мантик қилиб ўлтиришнинг фойдаси йўқ. Эртага Жаноби олий Карминадаги боғларига борадилар. Жаноби миршаб, Сиз Дилафгорни юпатинг, кўнмаса. Карминага бориб, Жаноби олийга мурожаат қилсин. Қабул қилиб, бирон амр берсалар, шунга қараб амал қиламиз. Миршаб бизга бундан ҳам муҳимроқ ишни бажариш учун керак эдилар. Сизни чақиртирмоқчи эдик. Яхшиямки ўзингиз келиб қолдингиз. Жаноби олий амир Абдулаҳадхон юборган қоғоздаги амрни ижро қилишни миршабга топширайлик. (Ўнидаги қоғозни олиб қозикалонга беради).

Баҳриддин (қоғозга кўз югуртириб). Қосагарон гуза-рида Бегижон деган бесоқол, чиройли бола бор экан.

Бу кеча ўша кўчада чавкий базм бўлар экан. Мулозимларингиз билан бориб, чавки-базмни босиб, унда бошқош бўлиб турганларни миршабхонага олиб келиб тергайсиз. Улар миршаб чангалидан қутилмоқ учун ҳада ва пешкашлар бергач, озод қиласиз. У ҳада ва пешкашлар, амир хазинасига юборилиши кераклигини биласиз. Бегижонга бирон зарар тегмасин. Уни Арк ўрдасига юборасиз. Уни Жаноби олийнинг ўзлари «сўроқ» қилдилар, кейин ўрда аскарлари қаторига қўшадилар.

Саҳбо (саҳна олдида келиб, ўз-ўзига). Бу қандай разиллик! Амир бесоқолни шаҳар бойларидан тортиб олиб, ўзи ўйнамоқчи. Мен эса бундай буйруқни бажарадиган қўшмачи бўлишим керак экан. Қандай ифлослик, тубанлик! Фармонни бажарсам мени порахўрликда айблайдилар ва ҳалойиқ олдида обрўсизлантирадилар, бажармасам... **(Пауза. Қўшбеги ва қозиқалонга қараб):** Мен миршабликдан истейфо бераман!

Баҳриддин (истеҳзо билан). Ажабо, жинойтчини ўз уйингизда сақлайсиз, уни зиндонга юбориш ҳақида биздек шариат пешволарининг таклифини рад қиласиз; булар камлик қилганидек, Жаноби олий амрларини бажаришдан бош тортасиз. Бу ишларингиз ҳаммаси шариатга хилофдир. Шариат юзасидан бериладиган жазо ва амир ғазабидан қўрқмайсизми?

Неъматулло. Тўхтанг, Жаноби олий номларига тушган яна бир ариза бор. Буни ҳам бажаришни Сизга топширамиз. Агар буни ҳам бажармасангиз, амирга арз қиламиз, Сизни сарой хизматидан ҳайдаймиз...

Саҳбо. Яна қандай ариза ва қандай иш экан?

Неъматулло. Аълам Жумбул махзум Жаноби олий номларига ёзган аризаларида маълум қилибтиларки, тотор домулло Низом Собитий ўз ҳовлисида усули жадид мактаб очиб, дастлаб 8-10 тотор болаларини ўқита

бошлаган. Кейин бухоролик толиби илмлар ҳам бу мактабга қизиқиб қатнай бошлаганлар. Бунинг овозасини эшитган мулло Садриддин хўжа Айний шу мактабга бориб, усули жадидни ўрганиб, мулло Абдулвоҳид Мунзим, Аҳмаджон маҳдум Ҳамдий билан биргаликда Абдулвоҳид Мунзим ҳовлисида усули жадид мактаби очмоқчи бўлганлар. Аълам Жумбул махзум ўз шикоятларида мулло Низом Собитий мактабини шариатга хилоф, кофирлар мактаби, деб фатво беради. Сизга топшириқ пуқи, шу мактабга бориб, ўз кўзингиз билан ўқитиш усули ва дарсликлари билан танишиб, мактабни ёптирасиз.

Саҳбо. Бу амрни бажаришдан бош тортмайман. Менинг жияним Яҳёхўжа мулло Низом Собитий мактабига қатнайди. Унинг сўзларига қараганда ҳеч қандай ғайри шаръий китоб ёки дарс йўқ экан. Аксинча, риёзиёт, жуғрофия, дарслари билан бирга Қуръони карим ҳам ўқитилар экан.

Неъматулло. Аввал бориб, ўз кўзингиз билан кўринг. кейин келиб арз қиласиз. Ҳарҳолда, аълам Жумбул махзум мўътабар уламоларимиздан. У кишининг арзларини эътиборсизлик қолдирилмаймиз.

Саҳбо. Майли, бориб кўраман. **(Чиқиб кетади).**

Баҳриддин. Мен тушунолмадим?! Нега буни жазосиз қолдириш керак экан?! У ҳаддидан ошмоқда!

Неъматулло. Бунда бошқа мулоҳоза бор. Амири марҳум Музаффархон даврида, ҳали ҳозирги амиримиз ваълиаҳд сифатида Карминада ҳоким бўлиб, айш қилиб юрганларида Саҳбо у кишига хизмат қилган. Саҳбо хўшсухбат, ҳозиржавоб, жасур, нозиктабъ шоир бўлганлигидан уни ўзларига яқин тутганлар. Ўзлари ҳам «Ожиз» таҳаллуси билан шеър ёзишларини биласиз. Бир куни Зарафшон бўйидаги бир тўқайда тўражонга

қоплон ҳужум қилади. Тўражоннинг аскар-навкарлари қўриб қочадилар. Саҳбо қочмайди, қилич ва гурзи билан арслон бошига уриб, уни ўлдиради. Тўра ўлимдан қутуладилар. Шунда тўра Абдулаҳадхон: «Бу яхшили-гунгни ўла-ўлгунча унутмайман. Тўққиз мартагача гун-ноҳингдан кечаман», деб қасам ичган эканлар. Саҳбо бу кунгача олти марта гуноҳ қилди: амир ва амалдорларни юз-хотир қилмай, нуқсонларини юзларига солди. Жаноби олий олти марта ҳам қаттиқ жазо бермадилар, бироқ ўз давраларидан узоқлаштирдилар, эшик-оғаликдан миршабликка туширдилар. Тушунадиган одамга шу ҳам жозо. Ўз ёғида, ўзи кабоб бўлиб юрибти.

Баҳриддин. Миршаблик ҳам кичик мансаб эмас-ку?
Неъматулло. Миршаб ўғрилардан пора олиб яшаш керак. Пора олса, қўлга тушириб, ўғрилар шериги дея жазолаймиз, деб режа тузилган эди. Саҳбо бесоқолбозликни ёмон кўради. Бизлар эса унга бесоқолларни тутиб, ўрдага юборишни буюрамиз. Шунинг ўзи жазо эмасми? Шоир одам — ичини ейди. Кўрдингизми, ахир ўзи истеъфо бераман дейди.

Баҳриддин. Истеъфо берса нима қиламиз? Қутилиб кетаверадимми?

Неъматулло. «Сиёсат» дегани нима, биласизми? «Си» ё «сад» деган сўзлардан ташкил топган бу сўз. Масалан, «ўттиз» ва «юз» дегани. Ҳар бир масалани ҳал қилишнинг ўттиздан тортиб юзгача йўли бор дегани. Сиёсатдоннинг вазифаси шу йўллардан энг мақбулини танлаб олишдан иборат. Саҳбони Бухоро шаҳридан ўтадиган катта ариқ — Шаҳррўдга мироб қилиб тайинлаймиз. Бу иш учун ҳам хазинадан маош олмайди. Одамлар ўз ерларига сўв олиш учун пора беришга ўрганиб қолганлар. Миробга пора берадилар. Пора олса қўлга тушириб, амалдорлар ўртасида расвосини чиқариб, Жаноби олийга айтиб, гуноҳи тўққизтадан ҳам ошиб кетди, деб жазо

бердирамиз. Пора олмаса, боши сўв жанжалидан чиқмайди.

Баҳриддин (ҳайратда). Офарин! Мана буни сиёсат, мана буни тадбир дейдилар, мана буни душмани шакар билан ўлдириш дейдилар.

5-кўриниш.

Мулло Низом Собитийнинг усули жаҳид мактаби. Синф хонасида мизлар, скамейкалар. Деворда ёзув тахтаси. Миз устида глобус. Деворда ёзув: «Бисмиллоҳир-раҳмонир раҳим». Низом Собитий тотор болаларига қараб гапирди. Садриддин Айний ўзбек ва тожик болаларига қараб таржима қилади.

Низом Собитий. (Глобусни қўлга олиб, унга ишора қилиб). Болалар, шуши глобус бўла, демак Ер шари. Бизнинг Ерни Худойи-таоло думалоқ қилиб яратган. Ерибизда сўв кўп, қуруқлик оз. Оламда беш қитъа бор: Осиё — биз шунда яшайбиз, Оврупо, Африқо, Амриқо (Шимолий ва Жанубий) ва Австралиё.

Садриддин Айний. (Глобусни Собитийдан олади). Талабагон, ин курраи Замин, шакли Замин. Худойи-таоло Заминро лўнда карда офаридааст. Дар арзи Замин об би-сьёр, ҳушкӣ нисбатан камтарст. Дар олам панж қитъа ҳаст: Осиё — мо дар ҳамин қитъа зиндагонӣ мекунем. Оврупо, Африқо, Амриқо (Шимолий ва Жанубий) ва Австралиё.

Синфга Саҳбо кириб келади. Болалар уни туриб қарши олишади. У муаллимларга қараб гапирди.

Саҳбо (чўнтагидан қозони чиқаради). Мен жаноби қушбеги ва қозикалоннинг амри билан келдим. У кишига аъламлардан бирдан ариза тушган экан. Аризада ёзилишича, бу мактаб кофирлар мактаби экан. Унда Қуръони карим ва Ҳадиси шариф ўқитилмас экан, бу бухоролик мусулмон болаларини диндан чиқарар экан.

Шунинг учун бу мактабни ёпиш керак экан. Қушбеги ва қозикалон менга: Сиз миршаб, бориб ўз кўзингиз билан кўринг, агар аълам шикоятдаги гаплар тасдиқланса, мактабни ёптирамиз, дедилар. Жаноби мулло Низом Собитий, Сиз нима дейсиз?

Собитий. Жаноби миршаб, бизнинг мактаб усули жадид, яъни янги усуллар билан болалар саводини чиқора, бизда ислом ва ҳадис дарслари бор. Бизнинг талабалар Қуръонни ўқийдилар. Мена, мулло Садриддин хўжа Айний ҳам гувоҳ. Истасангиз болалардан сўранг. Яхёхўжа Сизнинг жиянингиз, айтиб берсин.

Саҳбо. Қани, Яхёхўжа, Қуръондан бирон сўрани ўқи-чи. **Яхёхўжа (жўзғиридан Қуръонни чиқариб, қисқа сура-лардан бирини қироат қилиб ўқийди).**

Айний. Жаноби Мирзо Саҳбо, Сиз мени биласиз, умрим мадрасада ўтмоқда. Бу мактабга келиб янги усулда, усули савтияда, яъни товушларга эътибор бериб ўқитиш усулини билиб олдим. Аввал бу мактаб тотор болалари учун очилган эди. Кейин бухоролик болалар бундан воқиф бўлиб, ўзлари тинглашни сўраб келдилар. Мендан таржима қилиб беришни илтимос қилдилар. Мен улар илтимосини бақадри ҳол бажараётирман. Бу мактабда динимизга қарши ҳеч қандай таълимот йўқ. Алҳамдулиллоҳ, мулло Низом Собитий мусулмон. Қуръони каримда Олоҳ-таоло бандаларим илм касб қилсинлар, маърифатли бўлсинлар, касб-ҳунар ўрганиб, оламни обод қилсинлар, дейилган. Бунда ҳеч қандай куфр йўқ. Самарқанд, Тошканд, Қрим, Боку мусулмонлари қачонлар бундай мактаблар очиб илгарилаб кетдилар. Бухоро қачонгача қорвон орқасида қолган тўядек чанг-тўзонда қадам босади?!

Саҳбо. Жаноби мулло Низом Собитий, жаноби домулло Садриддин хўжа Айний, менинг назаримда ҳам бун-

да шариятимизга хилоф нарсга йўқ. Ислон мамлакатларидан Туркия ва Эронда бундай мактаблар аллақачон мавжуд. У ерлардаги мусулмонлар ҳатто болаларини фаранги ва бошқа мамлакатларга юбориб ўқитадилар. Бу кун келиб мактабларингизни кўриб ишонч ҳосил қилдимки, бу мактаб динга қарши эмас экан. Ариза ғараз-ғўйлик билан ёзилган.

Айний. Ҳатто Тошкандда «рус-тузем» мактаблари, Уфада «Олия» мадрасаси бор. Уларда ҳам мусулмон болалари ўқишади. Бухоро бир вақтлар маърифат, илм қарвонининг олдинги сафида борар эди. Буюк файласуф, табиб ва шоир Абу Али ибн Сино ва муҳаддис Исмоил ал-Бухорий номлари бутун оламга танилган эди. Янги усул мактаблар, бизнинг халқимизни қоқоқликдан чиқаришга хизмат қилади.

Собитий. Яқинда Қримдан янги усул мактабларининг асосчиси, «Таржимон» рўномасининг муҳаррири, жаноби Исмоилбек Гаспирали Бухорога келиб, бизнинг мактабни кўрди. У-да мусулмон. Исмоилбек Гаспирали амиримиз Жаноби олий Абдулаҳадхон ҳузурида бўлиб, усули жадид мактабларини кўпайтиришга тегиш, деб маслаҳатлар берди, хабарингиз бўлса керак?

Саҳбо. Хабарим бор.

Айний. Шикоят аризасини ким ёзганлигини айтмай-сизми?

Саҳбо. Майли, сизларга айтай: шикоятни ёзган киши — аълам Жумбул махзум.

Айний. Ҳа, унинг жоҳиллиги ва игворгарлигини Бухорода кўпчилик билади...

Саҳбо. Дарсга ҳалал берганим учун узр. Мен бориб

қушбеги ва қозикалонга бу усули жадид мактабининг дини исломга қарши эмаслигини айтай.

Айний. Хуш келибсиз!

Собитий. Соғ бўлиғиз!

Саҳбо. Худо ҳофиз!

Иккинчи ПАРДА.

6-кўриниш.

1914-15-йиллар, Саҳбонинг ҳовли-боғидаги айвон. Ёз фасли. Ариқчада сув оқмоқда. Тонг пайти, булбуллар сайрашади. Шоир боғни айланиб келиб, айвонда қалам ва қогозни олиб шеър ёзади. Яҳёхўжа бир даста раънони гулзордан қайчилаб Саҳбо олдиға қўятуриб, салом беради ва тикилиб туради. Саҳбо алик олиб, ёзабошлаган шеърининг биринчи бандини ўқиб беради.

Саҳбо.

Қилма, эй жон, даҳр аро ҳар бевафога ихтилот,
Айлама жон ила ҳар ноошноға ихтилот,
Дилрабо деб айлама ҳар беҳаёға ихтилот,
Этма бу гулшан аро ҳар бенавоға ихтилот,
Гул сочиб қилма жабини белиқоға ихтилот.
(Яҳёхўжаға қараб). Қалай, маъқулми?

Яҳёхўжа. Маъқул, бироқ «ихтилот» сўзининг маъносига тушунмадим.

Саҳбо. Ихтилот, бу кишилар билан алоқа, ҳамсухбат бўлиш.

Яҳёхўжа. Яхши, давомини ёзинг, мен куйга солиб айтаман. (Чиқиб кетади).

Саҳбонинг онаси Ойимбика киради.

Саҳбо. Ассалому алайқўм, онажон! Келинг, яхши ётиб турдингизми? Бел оғриғи Сизни бу кеча безовта қилмадими?

Ойимбика. Ваалайқўм ассалом, ўғлим! Бу кеча икки-уч соат ухлаган бўлсам керак. Бел оғриғи гоҳ зўрайиб, гоҳ пасаяди. Энди бўлгани шу. 85 ёшга киргандан сўнг дард камаярмиди. Қариликнинг ўзи бир дарди бедаво экан. Худо омонатини олсин-у, мени отанг ёнига олиб бориб қўйганингдан кейин дарддан ҳам, ғам-изтиробдан ҳам кутуламан. Келиним Солиҳа ўлганидан кейин бошқа ўйланмадинг, қизинг Эркажонни ҳам эрга берганимизга неча йил бўлди. Набераларинг ҳали кичик. Жиянинг Яҳёхўжа гоҳ дарсда, гоҳ савдо иши билан банд. Мен ўлсам сенга ким қарашади, деб юрагим эзилади. Қаймоқ олиб келдим. Кел, ўлтир, тановул қил. Сен ҳам бу кеча ухламай кўп китоб ўқидинг, нималарнидир ёздинг. Шеър ёзган бўлсанг ўқиб бер. Шеър ўқишингни соғинганман.

Саҳбо. Мана, ёзиш тугади. Ҳозир шу мухаммаснинг бошини Яҳёхўжаға ўқиб берган эдим. Майли, Сизга ҳам ўқиб берай. (Аввал юқоридаги бир бандни, кейин қуйидаги бир бандни ўқийди).

Бўлмағай ағёр бир дам сенга ёри ғамгусор,
Дардсизлар дардлиға қилмағайлар эътибор,
Қилгай оҳир наштари зулму жафо кўнглингга кор.
Чархи каж озордин ўлма ғофил зинҳор,
Қилма, Саҳбо, бўйла дарди бедавоға ихтилот.

Ойимбика. Тўғри дебсан, ўғлим, дарди бедавоға даво топиб бўлмайди. Худонинг ўзи раҳм қилсин.

Яҳёхўжа. (Киради, қўлида дойра). Ёзиб бўлдингизми? Мен бир ўқиб кўрай. (Саҳбо қўлидан қогозни олиб, дойрага жўр қилиб айта бошлайди. Саҳбо ва онаси тинглаб ўтирадилар).

Ойимбика. (Дастурхонни ёзиб). Қани, бир нонушта қилиб олайлик. (Нонуштадан сўнг Ойимбика дастурхон-

ни кўтариб чиқиб кетади. Саҳбо бир китобни олиб ўқийди. Яхёхўжа қизиқиб сўрайди).

Яхёхўжа. Кимнинг китоби экан?

Саҳбо. Амири кабир Мир Низомиддин Алишер Навоийнинг «Чор девон» китобидан танлаб олинган ғазаллар. Мана бу китоб бошидаги ғазал менга жуда маъқул. Мен унга тахмис (мухаммас) боғлаётирман. Ҳозирча, биринчи байтига уч мисраъ қўшиб бир банд ёздим. Аввал Амир Навоий ғазалларининг матлафини ўқийман:

Ашрақат минъакси шамсил-каъси анворул-худо,

Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқди садо.

Яхёхўжа. Бу араб тилида-ку, тушунмадим.

Саҳбо. Одатда туркигўй ва форсигўй шоирларнинг девони шундай арабча сўзлар билан бошланади. Унинг маъноси шундай: бу шеърдаги Ёр — Худо, у Қуёшга ўхшайди. Одам — Қуёш нурунинг зарраси. Қуёш нури жомга тушади. Сен унга қарасанг Ёр аксини кўргандай бўласан. Жомдаги майда ўзингни кўрасан — Худони кўргандай бўласан.

Яхёхўжа. Ў, қандай маъноси баланд. Қани, ўзингиз ёзган мисраларни ўқинг-чи.

Саҳбо. Мана, эшит:

Солди ул нақша кўнгиллар сафҳасида мобода,

Сен ниҳон этгунг бода шавқидин ҳудо,

Дайр пири қилдиким ичра бўл нидо:

Ашрақат минъакси шамсил-каъси анворул-худо,

Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқди садо.

Яхёхўжа. Сизники ҳам Амир Навоийдан қолишмайди, бироз ғализ, тушуниш қийин: мабодо, ҳудо, нидо?

Саҳбо. Қофия-да: мобода — ундан қолгани, ҳудо — тўғри йўл, нидо — чақириқ, садо — товуш.

Дорвоза тақиллайди. Яхёхўжа бориб қарайди ва қайтиб келиб Саҳбога Ҳожи Мирбобо келганлигини айтади.

Ҳожи Мирбобо қўлида китоб ва газеталар билан киради.

Ҳожи Мирбобо. Ассалому алайкум, шоир. Кайфингиз жойидами, хонавода, молу жон саломат-ми?

Саҳбо. Худога шукур, дар қатори ёрон юрибмиз. Ўзларидан сўрасак, бахмалбофлик бозори чаққонми?

Ҳожи Мирбобо. Худога шўкўр, сочилган ризқ-рўзимизни териб юрибмиз. Бахмалбофлик ёмон эмас-ку, бозорини чаққон деб бўлмайди. Қаннотлар биздан арзонгарон сотиб олиб, Маскав, Варшав бозорларига олиб бориб сотиб, бойиб бормоқдалар. Бизнинг насибамиз ўша дўкон, ўша дастгоҳ, ўша қудуқча... Хўш, бу савдоларни қўйиб, китобу шеър оламига келсак, Сиздан ўқиш учун бир неча китоб, мажалла ва рўномаларни олиб кетган эдим. Мана, омонатингизни олиб келдим. (Қўлидаги китоблардан бирини очди). Аҳмад маҳдум Донишининг китоби «Наводир-ул-вақоеъ». Ҳақиқатан ҳам бошқа китобларда топилмайдиган ҳодиса ва мулоҳазалари бор экан. Бир жойида худди менинг дилимдаги гапларни ёзган экан (товушини пасайтириб, атрофга алазарак қарайди). Амир, вазир ва унинг атрофидаги қосалесларни худбинлар, жоҳиллар, очкўзлар, ҳасадчилар ҳатто чаёнлар, деб ёзибти.

Саҳбо. Шунинг учун ҳам у умрининг охирида уй қамоғида яшар эди. Китобдаги бу гаплар ўлганидан кейин Сиздай, мендай, битта-иккитага маълум бўлмоқда. Бу қўлёммадан Бухорода тўрт ёки бештадан ортиқ бўлмаса керак.

Ҳожи Мирбобо. Худо раҳмат қилсин, ўлганига 17 йил бўлди-ми?

Саҳбо (бармоқлари билан ҳисоблаб). Ҳозир 1334 йил ҳижрий-қамарий, 1915 йил милодий. Аҳмад маҳдум Донишнинг фавтларига 18 йил бўлибти. Дониш ҳақгўй, фозил, нозуктабъ шоир, мусаввир ва зукко мунажжим

эдилар. Саройга тез-тез борадиган даврларида мулоқот-да бўлган эдим. Бу китоб менга ҳам манзур бўлганидан Мирзо Абдулвоҳид Мунзим қўлидаги нусхадан ўзим учун кўчиртириб олган эдим.

Ҳожи Мирбобо. Дониш ҳақ гапларни ёзган экан.

Саҳбо. Бале, Дониш ҳақ гапларни ёзган. Амир Олимхон, қушбеги, қозикалон, аълам, раис, туман ва музофотларнинг ҳокимлари халқ ҳақида ўйламайдилар, ўз кайф-сафоларини ўйлайдилар. Хотин устига хотин олиш, бесақолбозлик, порахўрлик, чавки-базм, ери оз деҳқонларнинг ерини тортиб олиш, зино, гийбат, хабар-кашлик бу кун ҳам авжида. Мирзо Абдулвоҳид Мунзим, Садриддин хўжа Айний, Аҳмад махдум Ҳамдий, мулло Низом Собитий, мулло Вафо каби очиқ фикр, тараққийпарвар, маърифатпарвар фозиллар усули жадид мактаблари очган эдилар. Қозикалон, қушбеги, аълам Жумбул махзум каби жоҳил, тескаричилар фитна қўзғаб, бу мактабларни ёптирдилар.

Ҳожи Мирбобо. Мана, Боқудан келган «Мулло Насриддин» ҳажвий мажалласи, Самарқанддан келган «Ойина» мажалласи, Тошкентдан келган «Туркистон вилоятининг газети». Мана бу китоб ҳам дилчасп экан — «Девони Муқимий маъа ҳажвиёт» (очиб ўқийди):

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Сухбат айлайлик келинлар, жўралар, ўртоқлар.

Мана, Мирзо Саҳбо, кўзингиз тушган бўлса керак, бу байтида менинг дилимдаги гаплар битилган экан:

Ҳайф ким аҳли тамиз ушбу маҳалда ҳор экан,
Олдилар ҳар ерда булбул ошенин зоглар.

Саҳбо. Ҳақ гап, ўқиганман. (Девонни Ҳожи қўлидан олиб):

Олдилар ҳар ерда булбул ошенин зоглар...

Офарин қаламингга, Муҳаммад Аминхўжа Муқимийи Хўқандий!

Ҳожи Мирбобо. Шаҳардаги шов-шувлардан хабарингиз борми?

Саҳбо. Йўқ! Уч кундан бери тобим йўқроқ, уйдан чиқмай, китоб, рўзнома, муталаа қилиб ётибман.

Ҳожи Мирбобо. Кеча Лаби ҳовузи Девонбегига бориб, кўп воҳимали гапларни эшитдим.

Саҳбо. Қандай воҳимали гаплар экан?

Ҳожи Мирбобо. Бу китоблар, мажаллалар ва рўзномаларни яшириб қўйинг. Газит ўқиш ҳам жиноят экан.

Саҳбо. Хўш-хўш?!

Ҳожи Мирбобо. Кеча қушбеги ва қозикалон одамлари бир неча жадидларни Аркака олиб бориб, сўроқ қилиш-тилар.

Саҳбо. Кимларни, билмадингизми, нима деб?

Ҳожи Мирбобо. Садриддин хўжа Айнийни, Мирзо Абдулвоҳид Мунзимни, яна бир неча кишини.

Саҳбо. Гуноҳлари нима экан?

Ҳожи Мирбобо. Оқ пошшонинг Бухородаги сиёсий ваколатхонаси мудирининг муовини Шульга деган жаноб ўз жосуслари орқали бухоролик фикри очиқ, газитхон фозиллардан 40 кишининг номини билиб олиб, рўйхат тузган экан. Шу рўйхатни қушбегига бериб, бу тожутахт учун хавфли одамлар рўйхати, шуларни чақириб сўроқ қилинг, депти. Қушбеги шуларни чақириб паст-баланд гапларни айтган экан. «Газит ўқимайман», деб тилхат олгандан сўнг жавоб бераётган экан. Садриддин хўжа Айний ҳам бошлаб жавоб берган экан.

Саҳбо. Хўш-хўш, нима деган экан бу шоири оташзабон?

Ҳожи Мирбобо. Айний: газит ўқиш гуноҳ эмас. Мен унга муштарий бўлганман, ўқисам-ўқимасам у ҳужрам-

га келиб туради. Мен бир кун газит ўқимасам ҳаёлим парешон бўлади, бирон нарсга йўқотгандай бўламан, депти. Муноқиша анча чўзилипти, чамамда, охир Айний «Ўқимайман» деб тилхат бериб қутилибти.

Саҳбо. Балли, Садриддин хўжа, жасоратингга офарин! Билмадингизми рўйхатга яна кимларнинг номи бор экан?

Ҳожи Мирбобо. Жаноби Шульганинг кантўрасига тез-тез бориб турадиган Махзуми қўтир бор-кў, ўшани учраииб сўрадим. «Агар ширинкомасини берсангиз, айтаман», деди. Беш танга чиқариб бердим. Айтдики, рўйхатда Сизнинг ҳам, журангиз Мирзо Ҳайит Саҳбо тўқсабонинг ҳам номлари бор.

Саҳбо. Шундай денг. Демак, букун — эрта, мени ҳам Аркка олиб бориб сўроқ қиладилар, денг.

Ҳожи Мирбобо. Нима қиламиз, олиб боришса, нима деймиз, ёки Бухородан қочамизми?

Саҳбо. Ўлкангизни босинг, Ҳожи. Олиб борса, Айний берган жавобдай жавоб берамиз-да. Астафериулло, ўғрилар, порахўрлар, мансабфурушлар ялла қилиб юради-ю, виждонли, гуноҳсиз мусулмонларни олиб бориб, «Нега газит ўқийсан?!» деб камситадилар. Хабардор қилганингиздан миннатдорман.

Ҳожи Мирбобо. Менга бир китобчани берсангиз, кейин рухсат этсангиз, кетай.

Саҳбо. Қандай китобча экан?

Ҳожи Мирбобо. Фитрат афандининг «Мунозара» китоби ҳақида дув-дув гап. Мен эса ҳалигача уни ўқиганим йўқ.

Саҳбо. (Токчадаги китоблар орасидан топиб беради). Мана, ўқинг, Бухоромиз жаҳоннинг бошқа мамлакатларидан қанчалик орқада қолганигини яна бир марта чуқурроқ англайсиз.

Ҳожи Мирбобо. Ташаккур, мен буни тез ўқиб, Сизга қайтариб бераман. Менга энди рухсат.

Саҳбо. Ҳайр, Ҳожи, Худо ёрингиз бўлсин, келиб туринг.

Ҳожи Мирбобо. Худо ҳофиз.

Ҳожи Мирбобо чиқиб кетгач, **Саҳбо** янги яктагини кийиб, тапчари чиқишга тайёрланмоқда. Дарвоза таққиллайди. **Яҳёхўжа** чиқиб қарайди ва келиб **Саҳбо**га хабар беради.

Яҳёхўжа. Бир неча деҳқонлар келибтилар, Сизни кўрмоқчи эканлар, киритайми?

Саҳбо. Олиб кир!

Кекса деҳқон, бева аёл ва етимча кириб келадилар.

Деҳқон. Ассалому алайкум, жаноби мироб, арзга келдик, бизларни ҳовлинигиздан ҳайдаб чиқармайсизми?

Саҳбо. Ваалайкум ассалом, нега сизларни ҳайдар эканман?! Марҳамат, бемалол келиб ўлтиринг.

Деҳқон. Бизга шу ер ҳам бўлаверади. Худо отангизни раҳмат қилсин! Умрингиздан барака топинг! Эшони Жумбул махзум эшикларига борган эдик, бизларни ҳайдаб юбордилар.

Саҳбо. Нега у кишиникига борган эдингизлар?

Деҳқон. Бизлар эшони Жумбул махзумнинг қўшниларимиз. Деҳқончилик билан шуғулланамиз. Жўйи Чаппа гузариди менинг икки таноб ерим бор. Шунинг ёнгинасида мана бу бечора беванинг ҳам икки таноб ери бор. Эри сунни ва шиа низосида беш йил бурун ҳалок бўлган эди. Мана бу етимчанинг ҳам бир таноб ери бор. Амир одамлари отасини темир йўл қўрилишига юборган эди, қайтиб келмади. Термиз томонидан биров келганда «Отанг очлик ва касалликдан ўлди, худо раҳмат қилсин», деган экан. Мен ҳам ўз еримда ишлайман, ҳам буларга ёрдам бераман, савоб бўлади, деб. Қўшнимиз эшони Жумбул махзумнинг 40 таноблик боғи бор. Шаҳррўдга сув келса, аввал у жанобнинг одамлари олади. У кишининг ерлари тўрт марта суғорилади. Бизлар

бир марта ҳам сув ололмаймиз. Бу қандай адолатсизлик?! Бева ва етимчани етаклаб, Жумбул махзум ҳузурига бордик. Бизларни дарвозасидан ҳайдаб юборди. Яна у киши шариатпаноҳ эмиш... Ҳузурингизга келдик. Сиз Шаҳррӯд мироби. Раҳм қилинг, озгина қути-лоя-мут берадиган еримиз, экинларимиз чанқаб, қовжираб ётибди. Буюринг, бизларга сув берсинлар.

Саҳбо. Хўп, сизлар бораверинглар, мен орқаларингиздан етиб бораман. Тўғон бошида ўзим туриб, сизларга сув олиб бераман.

Деҳқон. Худо Сизни паноҳида асрасин, болаларингизнинг тўйини кўринг.

Бева. Худоё-худовандо, Жумбул махзуми гўрсўхта-нинг жойини дўзаҳда қилгил! Сиз барака топинг!

Саҳбо (етимчанинг бошини силайди ва чўнтагидан бир червон чиқариб, унинг қўлига беради). Сен мактабга борасанми?

Етимча. Йўқ!

Саҳбо. Афсус... Хўп, боринглар, мен ҳам етиб бораман.

УЧИНЧИ ПАРДА.

7-кўриниш.

1917 йил, апрель. Бухоро Аркидаги қушбеги қабулхонаси. Унда Нёзматулло қушбеги, Баҳриддин қозикалон, Жумбул махзум аълам, Давронбек раис ва бир неча қурулли навкарлар тўпланган.

Жумбул (қушбегига қараб). Жаноби қушбеги, мен Сизга бир неча марта арз қилган эдим. Ислохот ҳақида «Баённома» эълон қилишнинг ҳеч ҳожати йўқ, деб. Сиз қулоқ солмадингиз. Эълон қилдингиз. Шу билан ҳамма жимиб кетади, деб ўйладингиз. Аксинча бўлиб чиқди. Мана, кеча жадидлар намоиш қилдилар, байроқлар кўтариб чиқдилар, Хиёбонда тўпланиб, «исло-

хот», «ҳуррият» деб ваъалар қилдилар. Ҳақиқий му-сулмонлар-мударрислар ва муллобачалар Регистонга келиб, уларга жазо беришни талаб қилдилар. Агар жадидларга жа-зо бермасангиз, Худо кўрсатмасин, амиримизни тахт-дан туширадилар, дину шариат оёқ ости бўлади. Мен муллолар, уламолар номидан гапираман. Регистонга 10 минг муллобачча, мударрис, уламо ва эшонлар тўплан-ган. Агар жадидлар олиб қамалмаса, ташқарига чиқиб дод дейман. Улар Аркка бостириб кириб, Сизни майдон-га олиб чиқиб калтаклайдилар!

Ташқарида товуш, тўполон: «Во дино! Во шариато! Жа-дидларга ўлим!»

Нёзматулло. Ўзингизни босинг, эшони Жумбул мах-зум! Русияда Февраль инқилоби бўлди. Императори аъзам Николай тахтдан туширилди. Амиримиз ҳам, бизлар ҳам кўрқиб қолдик. Тошканд, Самарқанд, ҳат-то Когон, Чоржўй, Карки, Термиз каби шаҳарларда халқ жумбишга келди. Бухоройи шариф ва Когонда жадидлар ислохот талаб қилдилар. Бизлар ислохотлар ўтказамиз деб «Баённома» эълон қилишга мажбур бўл-дик. Бу бир сиёсат эди. Шов-шув босилади, биз эса аввалгидек яшайберамиз, деб ўйлаган эдик.

Жумбул. Биз шариат қомилларига ҳеч қандай исло-хотнинг кераги йўқ! Мадрасамиз, мактабларимиз 500-600 йилдан бери қандай ўқитиб келган бўлса, вақфлар-дан қандай даромад олиб турган бўлсак, ҳирож, закот, амлок, ҳайрот, пешкаш қандай бўлиб келган бўлса, шундайлигича қолишни истаймиз. Бизга ҳеч қандай «ҳуррият»нинг кераги йўқ! «Хуррият» нимаси?! Хотин-ларимизнинг юзини очиб, қўлимиздан тортиб оладилар; ҳамма бир кўрланинг остида ётадиган бўлади; дин, ша-рият, аълам, муфти, қози йўқолади! Е алҳазар!

Ташқарида шовқин.

Баҳриддин. Жаноби аълам Жумбул махзум тўғри ай-

тадилар. Мен бошдан «Баённома» эълон қилишга, ислохотга қарши эдим. Вақтида «усули жаид» мактабларини ёптириб тўғри иш қилган эдим. Сиз, жаноби қўшбеги, жадидларга ён босдингиз. «Баённома»ни амирга имзо чектириб олдингиз. Мана энди шўру-валвала кўтарилиди. Амир олдида, уламолар олдида ўзингиз жавоб берасиз!

Ташқарида шовқин.

Неъматулло. Ҳўш, нима қил дейсиз?

Жумбул. Мана бу рўйхат, шў кофирларни ушлаб, зиндонга ташланг, 75 таёқ урдинг, дорга осинг, қилич ламидан ўтқазинг!

Баҳриддин. Мен ҳам худди шундай фикрдаман. Амир тахтини фақат қилич билан сақлаб қолиш мумкин.

Неъматулло. «Баённома» эълон қилиш, ислохотлар ўтказамиз деб ваъдалар бериш, бу бир «сиёсат» эди. Аслида кўнглим сизларникидай эди. Эрталаб мулозимларга, навкарларга, юзбоши ва даҳбошиларга фармон берган эдим. Бир неча кофирни олиб келадилар, сўроқ қиламиз ва жазолаймиз. Жаноби олий Саид Амир Олимхонга шу режаларни айтиб, розилиklarини олган эдим. Сизларнинг таклифларингиз ишончимни комил қилди. Раис Давронбек, жинойтчиларни олиб келинг.

Давронбек 2-3 қуролланган навқар билан ташқарига чиқиб, Саҳбо, Айний, Ҳожи Мирбобо, Мирзо Назрулло, Низом Собитийларни олиб киради.

Жумбул. Булар кўрнамак, ношукур, Жаноби олий буларга мансаблар бердилар, булар яна жадидлар ёнини тутадилар. Булар осий, булар кофир, булар шариятга кўра жазога мустаҳқик!

Саҳбо. Гуноҳим нима? Ҳалол хизмат қилдим, порахўрлик қилмадим, бева-бечораларга азоб бермадим...

Баҳриддин. Кеча, жадидлар намоиш қилиб чиққанларида, Саҳбо-бий, Сизни ҳам одамлар улар орасида кўрганлар.

Саҳбо. Кеча мен Кунжи-Қалъа қишлоғига бир ошном уйига меҳмон бўлиб борган эдим. Эрталаб соат 9-10ларда у ердан чиқиб Хийбонга келиб етганимда Ғозиён кўчаси томонидан Хийбон томонга келаётган намоишчиларни кўриб қолдим. Бошда қандай ҳодиса эканлигини англамадим. Тор кўчалардан одамлар чиқиб, уларга қўшилдилар. Улар Чорсуга келиб тўхтадилар. Қўлларидан байроқлар ҳам бор эди. Файзулло Хўжа бир баландликка чиқиб сўзлади. Улар Жаноби олий имзо чеккан «Баённома» муносабати билан муборакбод қилдилар. Томоша қилиш гуноҳ эмас-ку?! Аксинча, Жаноби олий имзо чеккан, кўпчилик ўртасида эълон қилинган «Баённома»ни муборакбод қилиш савоб иш деб ўйлаган эдим. Шунча хизматга мукофот шуми? Мен шу амиримизни елкамда кўтариб катта қилганман. Бу кун бизларнинг қўлимизни боғлаб, бошимизга муштлар билан уриб, қариган чоғимизда ҳақоратлар қилиб, бунда келтиришнинг асл сабабини тушунмадим?

Баҳриддин. Саҳбо-бий! Сизнинг гуноҳларингиз кўп: миршаб бўлган пайтингизда Пой-Остона гузаригаги Мирзо Вафо мактабини ёпиш буйруғини бажармаган эдингиз. Мирзо Вафо мактабида ўрислар китобини мусулмон болаларига ўқитган эди. Яна, мана бу тотор Низом Собитий мактабини текшириш Сизга топширилган эди. Буни ҳам уддалай олмадингиз. У ҳам кофир-жаид.

Саҳбо. Ўша вақтда Мирзо Вафо ва мулло Низом Собитий мактабларини бориб кўрган эдим, шариятга қарши ҳеч бир нарса йўқ эди. Улар Қуръони каримни ҳам ўқитадилар. Мусулмон оламдан хабардор бўлса, жоҳилик ботқоғидан чиқса, Худога ишончи мустаҳкамроқ бўлади. Рус китобларини Жаноби олий амир Саид Олимхон ва оталари раҳматлик Абдулаҳадхон ҳам Петербургда бўлган пайтларида ўқиган эдилар. Мусулмон олим-

лари Абу Али ибн Сино ва Ал-Фаробий мусулмон бўлмаган юнон олимларининг китобларини ўқиб, тилларини ўрганган эдилар.

Жумбул. Бу кишини «бий» деманг, садқай юксак унвон бўлсин! Асли зоти қулдан: буни Ҳайитқул дер эдилар. Сиз «Саҳбо» таҳаллуси билан шеър ёзасиз. «Саҳбо»нинг маъноси — «қизил май». Май эса шариатда мақруҳ. Сиз мажалла ва жариди ўқийсиз. Ҳақиқий мусулмон Қуръони карим ва ҳадиси шарифни ўқийди. Русиядан, Қоғқоздан келган рўзнома ва китобларни ўқийсиз. Амалдорларни порахўр, бадаҳлоқ, баччабоз деб туҳмат қиласиз. Кеча жадидлар намоишига қўшилибсиз. (**Қушбегига қараб**). Мен аълам сифатида буларни кофир, Жаноби олийга қарши балвочилар, исёнкорлар, деб фатво бераман. Буларни зиндонга ташлаб, дорга осиб керак!

Саҳбо. Жумбул махзум, Сиз аълам, диний уламо, мен собиқ сипоҳий. Ҳа, мен ваҳобкентлик қуллар авлодидан. Мен мударрис эшон бўлмасам ҳамки, шариатни Сиздан кўпроқ биламан. Мен билганларни, сизнинг қозикалон отангиз ҳам билмас эди! Мен шариатга қарши ҳеч иш қилганим йўқ. Сиз менинг «Саҳбо» таҳаллусимни масхара қилдингиз. Авваламбор, майни озмоз ичишни шариат манъ қилмайди. Исмоил Сомоний, Соҳибқирон Амир Темурдан тортиб ҳозирги амиргача ҳамма тождорлар ва уларнинг ҳамсуҳбатлари шароб ичганлар. Ҳужжат-ул-ҳақ шайхурраис Абу Али ибн Сино ибодат қилиш, намоз ўқиш учун одам аъзоси касалликлардан тоза бўлиши керак, маст бўлмай май ичилса, одам бадани касалликлардан фориғ бўлади, деган. Тахуллусга келкак, шоир Мирзо Абдулқодир, ўзига «Ведил» деб таҳаллус қўйган эдилар, амири марҳум Абдулаҳадхон ҳам ўзлари ёзган шеърларга «Ожиз» деб таҳаллус қўйган эдилар. Нима, бундан улар «юрак-

сиз» ёки «кўр» эдилар деган маъно келиб чиқмайдикў! Шоирлар таҳаллусда мажоз, яъни кўчма маънони кўзда тутадилар. Буни тушуниш керак. Жаноби аълам, Сиз шариатпаноҳ бўла туриб, шариатни оёқ ости қилдингиз, Сизга жазо бериш керак!

Жумбул. Яъни, масалан?

Саҳбо. Масалан, Сиз Баҳоуддин Нақшбанддек мўътабар зиёратгоҳдан Бухорогача 4 мулло билан бир аравага ўтириб келдингиз. Аравакаш сизлардан йўл кира талаб қилганида бир чақа бермадингиз. Бунинг устига ҳақини талаб қилган аравакашни «Эшонларни ҳақорат қилди», деб тошбўрон қилдирдингиз.

Ҳожи Мирбобо. Сиз, қозикалон, бир йўла қозикалонликдан туширилиб, Чоржўй қозиси қилиниб юборилган эдингиз. Кейин келиб, Ширбудун боғларида 40 кун базм ва зиёфат бериб, амир ва амалдорларга олтин ва қумушлар, отлар ва туяларни «пешкаш» деб бериб, яна қозикалонлик мансабини сотиб олмадингизми?

Баҳриддин. Жаноби қушбегӣ, қачонгача булар билан муноқиша қилиб ўлтираминиз?

Айний. Ҳа, таҳқиқ қилмай жазо бериш шариатда борми?

Неъматулло. Ҳа, Садриддин хўжа, нега кеча жадидлар намоишига қўшилиб, байроқ кўтариб чиқдингиз?

Айний. Мен намоишга чиққанам йўқ. Мен намоиш тарафдори эмас эдим. Мен амиёнинг ислоҳот ҳақидаги «Баённома»си шўнчаки кўруқ бир ваъда, болаларни қанфит билан алдашдай бир иш, деб ўйлаб эдим.

Жумбул. Ёлғон, бу одам намоишга чиққан, менинг ўғлим бу кишини байроқ остида кўрган!

Баҳриддин. Булар билан қачонгача ади-бади қилиб ўлтираминиз. Саҳбо ҳам, Айний ҳам. Ҳожи Мирбобо ҳам, ана у Мирзо Наорулло ҳам жадид, кофир, тахту-тож душманлари. Буларга қаттиқ жазо берилиши талаб қиламан!

Низом Собитий. Мин Россия гражданиман, паспортим бор (қўйнидан чиқариб кўрсатади). Минне жазолашга ҳаққингиз йўқ!

Неъматулло. Ким гуноҳкор, ким бегуноҳ, ўзимиз яхши биламиз. Раис Давронбек! Мулло Низомни текшириб кўрамиз, ҳозирча зиндонга қамаб қўясиз. Сўнгра миригазабга айтинг, Ҳайитқул Саҳбонинг бу кийимларини ечиб, зиндонийлар кийимини кийдириб, қўл-оёқларига кишан солсин, зиндонга тиқиб қўйсин. Садриддин хўжани ва Ҳожи Мирбобони 75 таёқдан, Мирзо Назруллони 150 таёқ урсинлар!

Уларни олиб чиқадилар. Чироқ ўчади. Арк олдидаги майдон. Дарвоза олдидаги суфада қушбеги, қозикалон, раис, аълам ва бир неча навкар туришибди. Айнийни қўллари орқасига боғланган ҳолда Арк дарвозасидан олиб чиқиб, Тахтапул устида тўхтадилар. Бир киши уни орқасига кўтаради. Яна бир киши Айнийнинг икки қўлини кўтариб турган одам бўйнидан ўтказиб, ушлаб туради. Учинчи одам оёқларини сақлайди. Тўртинчи ва бешинчи навкарлар бош бармоқ қалинлигидаги чўплар билан Айний орқасига уради. Ҳалойиқ орасида «Золимлар!», «Одамхўрлар!», «Айний озод қилинсин!», «Деган чақириқлар. Ҳушдан кетган Айнийни Арк ичкарасига олиб кетаётганда, ичкаридан Ҳожи Мирбобо ва Мирзо Назруллони олиб чиқадилар. Уларни уришга тайёрланаётганларида парда ёпилади.

ТЎРТИНЧИ ПАРДА.

8-кўриниш.

Карминада Давронбек боғи. Дилфагор ва Бинафша яшайдиган кулба. Тут дарахтида бир 12 яшар бола тут териб емоқда, бироқ уни барглар ўраб олган, у томошабинга зўрға кўринади. Ундан беҳабар Давронбек қўлида латта билан ўралган қафас, атрофга аланглаб

қарагач, уйга яқин келиб қафаснинг туйнугини очиб, уй эшигига тўғрилайди. Туйнукдан чиққан илоч уйга ўрмалаб киради. Бироз Фурсат ўтгач, Бинафшанин чинқираган овози эшитилади. Давронбек тисаришиб кетади. Бола дарахтдан кўрқиб тушиб, почоди. Саҳно айланади.

Бухоро зиндонидagi бир хўжрада Саҳбо шетр ёзиб ўлтиради. Бошини кўтариб, шамга қараб гапирди.

Саҳбо. Оҳ, адолатсизлик, бедодлик. Умарим бу тиринлар гўрида, амир зиндонда ўтмоқда... Гуноҳим нима? Ҳақгўйликми, нуқсонларини юзларига айтишми, мактаб-маориф ва етим-есирларни ҳимоя қилишми? Ахир буларнинг ҳаммасини Муҳаммад Мустафо шайхони тақозо қилади-ку?! Фарзандим, набераларимнинг ағъалари не кечди? Мени бу аҳволга солганларининг, Ҳашари ер билан яксон бўлсин. (Яна шетр ёзди ва ўқийди).

Дорам уммед аз Худо, чаккан шавад дар зоти тоқ,
Дамбадам ҳолаш шавад аз мулфати таврон табак.

Гардад аз теги жафо юони дили ў реи-реи,
Синаи ў хуи шавад аз ранку меҳнат тақ-батақ.

Тез-тез тунингга Солиҳа киради, унинг арвонд хам безовта.

Хўжра бурчида Солиҳа пайдо бўлади.

Солиҳа. Ассалому алайкўм, Миржом!

Саҳбо (бош кўтариб). Ваалайкўм, Солиҳа! Кел аним, нега безовтасан?

Солиҳа. Сиз зиндонда азоб чекаётирсан, қандай мен безовта бўлмай?!

Саҳбо. Тақдир шундай экан, не қилай, сен безовта бўлма, пешонамда нима бўлса шунинг кўрмасан.

Солиҳа. Қизимиз Орқа, набераларимиз нечун?

Саҳбо. Худода шуккур, улар соғ-саломат, бироқ менинг бу ерда бўлишим, уларнинг там-андузларини ортирди.

Солиҳа. Кўп ғам еманг, Сиз бегуноҳсиз, мен Худога ёлбораман, Сизга озодлик тилайман... (Солиҳа ғойиб бўлади).

Зиндонга ҳужраси, эшиги шарақлаб очилади.

Икки навкар Дилафгорни итариб юборади.

Саҳбо. Бу ким бўлди?

Дилафгор. Мен, устоз, Дилафгор.

Саҳбо. (Қучоқлашиб уни ердан кўтарганча). Бахайр?

Дилафгор. Сиз менга, амир Карминада экан, ўша ерга бориб, Жаноби олийга учраш, дардингни айт, шояд адолат қилар, деган эдингиз. Айтганингизни қилдим. Карминага бориб амир ҳузурига кирмоқчи бўлиб, бир ҳафта саргардон бўлдим. Амир олдиға киритмадилар. Бир кун бу боғда, эртаси бошқа боғда, айш-ишрат... Қўлимни силтаб, уйимга қайтдим.

Саҳбо. Келин соғми?

Дилафгор ҳўнграб йиғлайди.

Дилафгор. Хотинимни, гўрсўхта Давронбек ўлдирди!

Саҳбо. Қандай қилиб, сен қаерда эдинг?

Дилафгор. Мен буғдойни тегирмонга олиб борган эдим. Давронбек бир латтага ўроғлиқ қафасда илонни келтириб, бизнинг кўлбага қўйиб юборган. Хотиним қасал ётган эди. Илон чақиб ўлдирган.

Саҳбо. Давронбек шундай қилганлигини кимдан билдинг?

Дилафгор. Қўшнимиз ўғли, бизнинг уйга яқин жойда тут дарахтига чиқиб, тут еб турган экан. Давронбек илонни келтириб ташлаганини ва хотинимнинг чинқирганини эшитиб, Давронбек қочганидан кейин, дарахтдан тушиб яширинган, ўша айтди. Мен пичоқни олиб, бориб Давронбекни ўлдираман деб турганимда, унинг одамлари келиб, мени ушлаб келтириб зиндонга тикдилар...

Саҳбо. Тавба, буларда ўзи дин, иймон, раҳм, шафқат борми?!

Парда тунади. Саҳранинг икки томонидан парда олдиға Нейматулло ва Давронбек чиқинади.

Нейматулло. Мен Карминага бориб келдим. Жаноби олий ҳузурида бўлиб, анча масалалар юзасидан унинг фармони олийларини олиб келдим.

Давронбек. Саҳбони орадан йўқотиш ҳақидаги масалани ҳам айтингизми? Нима дедилар?

Нейматулло. Қўлларидан бир қанча тавтилар берди. Русия ва Туркистонда қонли туҳматлар, айвондалғов. Бухорода жадидлар ифоси кучайиб бормоқда. Бундай вазиятда, Саҳбодан бўлди шунини йўқотиб, амалдорларимиз ҳам биздан ранжидилар. Уни зиндондан озод қилинг ва бир-икки ҳафтадан сўнг, Қабодиёнга ҳоким қилиб юборинг, пойтахт Бухорода унда бўлгани яхшироқ, дедилар.

Давронбек. Оббо, бу рақиб ана рўбга чиқарилганми?

Нейматулло. Сиз шоникалоқлиқ қилманг, шунингга узоқни ўйлаб иш қилинмаса, кейин туркистоннинг фойдаси йўқ. Ҳар ишнинг вақту-соати бор. «Яқин бўлса — ошани ейди, ёмон бўлса — бошини ёди» дейилади урфиятда. Ҳар бир қадамнинг натижаси келиб бормиз. Зарур бўлса, ўзингизни юборамиз, ишани қилиб келасиз...

Давронбек. Гап буёқда деган. Узоқни кўришларига қойилман. Биз хизматга қамарбаста...

Тўртинчи парда.

9-кўриниш.

Шарқий Бухоронинг Қабодиён шаҳри. 1918 йил баҳор фасли. Тоғ этакларида кўклам, лола, савсан, нарис каби гуллар. Тоғ чўққисидан қор. Тоғ этагида Қабодиён

Арки. Ундаги бир уйда Саҳбо яшайди. Парда очилганда, Саҳбо касал ҳолатида тўшакда ётибди.

Саҳбо (ўрнидан биров туриб, очиқ эшикдан тоғ томонга қараб, кўкрагини биров очади. Орқадан Яҳёхўжанинг дойра чертиб айтган ашуласи эшитилади).
Яҳёхўжа товуши.

Бўи жўи Мўлиён ояд ҳаме,
Ёди ёри меҳрибон ояд ҳаме.
Реги Ому бо дуруштиҳои ў.
Зери по чун парниён* ояд ҳаме,
...Эй, Бухоро, шод бошу, шод зи....

(Яҳёхўжанинг товуши сўнади).

Саҳбо. Эй Бухоро, шод бошу шод зи... Оҳ, нафасим сиқилиб кетди. Тоғда баҳор, майин шаббода, қани энди кўкрагимга урилса. Бухорода ҳам ҳозир баҳор, гулзоримда райҳон, савсан ва наргис гуллаган бўлса керак, невараларим уларга қараб, мени ёдласалар керак. Улар менинг савсан ва наргисни, раъно ва нозбўйни яхши кўришимни биладилар. Азиз Бухородан бу Қабодиёнга сургун қилинганимга ҳам қарийб 7 ой бўлди. Оҳ, она юртим Бухоро, гардинга зормен. Яна тупроғинга қадам қўйиш менга насиб қилармикан? Ёки бу ғурбатда ўлиб кетаманми? (Сиёҳдонни ўзига яқин келтириб, қаламдондан қаламни олиб ёза бошлайди. Орқадан Яҳёхўжанинг ашуласи эшитилади).

Ёраб, андар доми ғам зи по афтодаам,
Аз ҳама ёрону ғамҳорон жудо афтодаам.
Ҳар кужо рў меоварам ғам барсарам орад ҳужум,
То кушоям дида дар баҳри бало афтодаам.
Дарду кулфат ҳамдами ман гашт аз беҳамдами,
Гўйиё ин дам ба коми аждаҳо афтодаам.
Бекасу вомонда ҳам чун ман набошад дар жаҳон,

* Парниён — ҳарир, нозик шоҳи.

Зору майрўҳам ба дарди бедаво афтодаам.

Дар ғариби нест, Саҳбо, ғайри меҳнат ҳосиллам.

Ожизу бекас дарин ғурбатсара афтодаам.

Хизматчи. (Кириб бир чойнак чойни Саҳбо олдига қўйди ва чап қўлидаги хатни Саҳбога беради). Бу хатни бир киши келтириб берди, Бухородан, деди.

Саҳбо. Ким экан? Чақир, кириш!

Хизматчи. Кириш, дедим. У бўлса, мен савдо инни билан келган эдим, шерикларим кетаётдилар, мен улардан қолмай, деб кетди.

Саҳбо. (Хатни очиб ўқийди. Орқадан Яҳёхўжа товуши эшитилади): «Саломдан сўнг, Сизга елиб маълум қиламанки, Бухорода бу кунлар даҳшатли воқеалар юз берди. Сизга маълумки, жадидлар Қогон, Самарқанд ва Тошкандга қочиб кетган эдилар. Файзулла Ҳўжа Тошканддаги Шўро Ҳукумати бошлиғи Колесовга мурожаат қилиб, уни бир қанча аскар ва қурол-аслаҳа билан Қогонга олиб келди. Амир, уларни элдиб, Ғуриятни ўтказиб, сарбоз йигди, уларни Қогондан қўнди. Колесов ва Файзулло Ҳўжа тарафдорлари текшириб, Самарқанд ва Тошкандга кетдилар. Амир Бухорода мингдан ортиқ одамларни «Сизлар жадид, боқимани, менинг тахт-тожимнинг душмани», — деб зиндонга солди, обхона ва қанақоналарда асбоб бериб ўлдириди. Амир навқарлари, мулло Низом Собитий ҳовлисига ёлтириб кириб, ўзини, хотини ва беш боласини ўлтиришди. Дилафгор ҳам зиндонда ўлдирилди. Набераларингиз ва ўзимдан салом. Қамоли аҳтиром билан жиянингиз Яҳёхўжа. 1316 йил ҳижрий-қамарий. 25 ҳамал».

Эвоҳ, қандай даҳшат, қандай бедодлик, маърифат чароғдонларини фожияна ҳазон қилишибди. Он Худо, бу жабр-ситамга қарши бирон чора борми?! Наҳдани, беғуноҳ одамлар қўйдаи бўғизланиб кетадилар?! Йўшундай қолмас, Худо амир ва унинг қаллақасарларини ҳам жазолайди... (Чироқ ўчади).

10-кўриниш.

Қабодиёндаги катта йўл-кўча. У жанубдан шимолга чўзилиб кетган, от-арава юрадиган йўл. Йўлнинг шар-қида тоғ тизмаси. Йўл ва тоғ орасидаги тепаликда Арк дарвозаси. Одамлар бир-бир йиғиладилар.

Бир бола. (Ёнидаги боладан сўрайди). Ҳайбулло, нима гап? Нега одамлар йиғиляпти?

Ҳайбулло. Бухородан амирнинг қайноғаси Давронбек келар эмиш. Мен ана у масжид олдида туриб, имом-хатиб Мамадризо сўзларини эшитдим, ўшанинг сўзларини айтаётирман, бошқасини билмайман. Мана, Давронбек, ҳу ана у қорни каттаси, орқасида имом-хатиб Мамадризо, қўлида узун ҳассаси бор, уларнинг навкарлари ҳам шу томонга келаяптилар. Э, девона олдинга ўтиб олди.

Девона саҳна ўртасига отилиб чиқади: «Ё-ҳў! Ё ман ҳу! Во дино, во шариято!..» деб девоналик қилади. Болалар югуриб, пастак томлар устига чиқиб оладилар. Давронбек, Мамадризо, навкарлар ва неча кетмон, пи-чоқ, ўроқ ва калтак кўтарган кишилар уларга эргашадилар. Улар саҳнанинг ўнг томонига тўпланадилар. Бошига чопонча ёпинган аёллар ва болалар саҳнанинг чап томонига ўтадилар.

Давронбек. Мусулмонлар, мен амирал-мўъминин Жаноби олий Саид Олимхондан фармони олийшон олиб келдим. Бухородан Қабодиёнга ҳоким қилиб юборилган Ҳайитқул Саҳбо — жадид, кофир, диндан қайтган! (Кишилар орасида ғала-ғовур). У газит ўқийди, ўрислар ва тоторлар билан биргалашиб, Жаноби олийга қарши фитна қўзғайди. Жаноби олий мени юбориб амр қилдиларки, Ҳайитқулни сазойи қилинг деб. Уни сангсор қилишимиз керак. Фармонни Қабодиён масжиди жомесининг имом-хатиби, эшони Муҳаммад Ризо

ўқиб кўрдилар ва фатво бердилар. Бу кундан бошлаб мен Қабодиён ҳокими!

Мамадризо. Мен амирал-мўъминин Саид Олимхоннинг фармони олийларини кўрдим. Саҳбо жадид, Саҳбо кофир, у ёқаси тугмали камзўл кияди, номоз ўқимайди, шароб ичади. Кимки уни тошбўрон қилса, калтакласа, савоб олади, жойи жаннатда бўлади!

Арк ичидан дарвоза олдида бир тотор чиқади. Қўлида тутаетган маҳорка. Бир чекиб одамларга қарайди.

Давронбек. Мана бу ҳам кофир!

Мамадризо. Навкарлар, мусулмонлар, уринг, ўлди-ринг бу кофирни!

Тотор. Мен, алҳамдулилло, мусулмон, мен боғда мардикор бўлиб ишляпман!

Икки-уч навкар югуриб бориб уни тортадилар.

Кетмон ва калтаклар билан уриб ўлдирадилар.

Арк дарвозаси олдида Саҳбо чиқади.

Давронбек. Мана жадид, мана кофир Ҳайитқул Саҳбо. Уринг, ўлди-ринг бу кофирни!

Икки навкар қилич яланғочлаб ҳамла қилишади.

Саҳбо бирисининг қўлидан қилични тортиб олгач, навкарларга отилади. Улар қочишади.

Давронбек қилич яланғочлаб Саҳбога ҳужум қилади. Шу пайт Мамадризо учи темирли ҳассаси билан Саҳбо бошига уради. Саҳбо гандираклаб йиқилади. Навкарлар ва девона таёк, кетмон тош билан уриб, Саҳбони ўлдирадилар. Жасадини йўл четидаги хандаққа ташлаб, устига тош ёғдирадилар.

Мамадризо. Бу кофир жасадини йўл четида кўминг мумкин эмас! Ҳар бир ўткинчи мусулмон унга дуо-фотиҳа қилиши мумкин. Шунинг учун унга от думога боғлаб, тоғлар орқасига олиб бориб ташлаш керак. Ёрилар, қўзғунларга ем бўлсин!

Камбагаллар йиғи-сигида. Улар «Золимлар!», «Қонхўрлар!», «Сизга ҳам боққан бало бор!», деган сўзларни айтадилар. Бир навкар арқон олиб келиб, девона унинг қўлидан арқонни олиб, Саҳбо оёқларига боғлайди. Отга қамчи урадилар. Ўликнинг боши тошларга тегади, икки қўли у томон, — бу томонга судралиб боради...

Тамом.

Бухоро шаҳри,
1993 йил, 23 июль.

САИДЖОН АЛИЕВНИНГ «БУХОРО НИДОСИ» ТЎПЛАМИ ҲАҚИДА.

Таниқли олим, филология фанлари доктори, профессор Саиджон Алиевнинг адабиётшуносликка доир бир неча китоблари нашр этилиб, улар ўз мухлисларига манзур ва мақбул бўлган.

Домла иш билан шуғулланиш қаторида, бадиий ижодни ҳам бегона тутмайдилар. У кишининг бир мунча шеърлари матбуотда чоп этилган.

Саиджон Алиев кўп йиллик ижодлари самараси ўла-роқ тузилган «Бухоро нидоси» тўпламларида йигирмага яқин шеър ва бир пьесаларини жамлаганлар. Турли йилларда битилган шеърларнинг мавзуи ҳам ранг-баранг. Назм ихлосмандлари бу тўпلامдан Бухоро таърифидаги, табиат кўрки, муҳаббат васлу-ҳижрони, ҳам-юртлар мадҳидаги шеърларни ўқийдилар.

Домла бу тўпلامда «зулличонайн» — икки тилда — ўзбек ва тожик тилларида ёзувчи қаламқаш сифатида кўринадилар.

«Мирзо Ҳайит Саҳбо» пьесасида эса, яқин ўтмишимиз, XX аср бошларида Бухоро ҳаёти, янгиликка интилувчи, илмга ташна ёшларнинг қувғинга олиниши, айниқса, хушқалом шоир Мирзо Ҳайит Саҳбонинг ҳақиқат ва адолат йўлидаги саъю-ҳаракати, ана шу жасорати сабабли, амир одамлари томонидан қатл этилиши, қаламга олинади. Бу пьеса орқали замондошларимиз, бухоролик ҳурфикр инсонлар қисматида хабардоо бўладилар, бу — мустақиллик тантана қилаётган ҳозирги даврда фойдадан ҳоли эмас.

Самандар ВОҲИДОВ.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

МУНДАРИЖА

БЕТ

Шеърлар

Бухоро (қўшиқ)	3
Сарв	3
Таъна қилган жанобларга айт	4
Менинг ёрим зардўз қиз	5
Рябина	5
Аргувон	6
Гулни хор этма...	7
Мен Чацкий эмасман...	7
Жавоб ба Ҳофиз Шерози	9
Фарзанд ва шогирд	9
Шубҳа	12
Ғиждувон гўзали	12
Сенга то абад таъзим	13
Буюк инсонпарвар	14
Гуландом	15
Бухоронинг икки гули	16
Ота тилидан	17
Сенинг фарзандларинг	19
Фитрат монологи	19
Мирзо Ҳайит Саҳбо (пьеса)	21
С. Воҳидов. Саиджон Алиевнинг «Бухоро нидоси» тўплами ҳақида	63

Теришга берилди 3.05.96 й. Босишга рухсат этилди
12.06.96. Бичими 60x84/16. Шартли босма табоғи 3,72.
Нашр табоғи 3,5. 3000 нусхада чоп этилди. Буюртма
2309. Баҳоси келишилган нархда.

«Бухоро» нашриёти, Бухоро шаҳри, И. Мўминов кў-
часи.

Бухоро вилояти босмаҳонаси: Бухоро шаҳри, Ибро-
ҳим Мўминов кўчаси, 27